

Камбағалликдан чиқиш мураккаб эмас, хоҳиш бўлса кифоя

2-с.

“Уйчи тажрибаси” уста-ҳунармандни ўз уйида банд қиляпти

Бандлик ва миграция масалалари йўналишида 6 минг 928 нафар фуқаро ўзини ўзи банд қилди.



3-с.

ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛАЛАРИ УЮШМАСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ГАЗЕТАСИ

Mahalla

2024 ЙИЛ
26 ОКТЯБРЬ,
ШАНБА

№67
(2205)

WWW.UZMAHALLA.UZ

БУГУНГИ СОНДА:

“Сузиш ҳавзаси бўлса, марказга қатнамасдик”

Анчадан буён ёшлар спортнинг сузиш тури бўйича шароит яратиб беришимизни сўрайди. Маҳалламиз ёшлари сузиш машғулотига 6 километр узоқликдаги шаҳар марказига қатнашга мажбур. Спортнинг бу тури “Беш ташаббус олимпиадаси”га киритилмаган. Таклифим шундан иборатки, 3-4 та яқин маҳаллалар учун битта катта сузиш мажмуасини ташкил этиш жоиз.

4-с.

Ипотека кредити тўлаганга имтиёз борми?

Бошланғич тўлови ва кредит фоизлари давлат бюджетидан ажратилган субсидия асосида олинган ипотека кредитлари ва уларга ҳисобланган фоизларга йўналтирилган меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори (1 155 000 сўм)нинг 80 бараваригача бўлган жисмоний шахсларнинг иш ҳақи ва бошқа даромадлари даромад солиғидан озод этилган.

5-с.

Ҳар гўшада, ҳар инсоннинг қалбида бунёдкорлик ишқи бор

714 нафар нуроний бепул тиббий-кўрикдан ўтказилди, 673 нафар нуронийни даволаш чоралари кўрилди. 430 нафари санаторийларда соғломлаштирилди, 114 нафари реабилитация техник воситалари билан таъминланди. 261 нафарига бошқа турдаги моддий ёрдамлар кўрсатилди.

6-с.

Даромад ортганидан хориждан қайтганларнинг кўнгли хотиржам

208 та маҳалла фуқаролар йиғинида “Маҳалла сервис компанияси”ни жорий этиш белгиланган эди. Ушбу қарор ижросини таъминлаш мақсадида тадбиркор Шаҳло Ҳакимова ташкил этган “Бўзачи маҳалла сервис компанияси” эндиликда аҳолига 20 дан ортиқ хизмат турларини кўрсатади. Бу эса аҳолининг ҳам вақтини ҳам, нақдини тежашга ёрдам беради.

7-с.

Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг!

@mahalla_raislari
@mahalladosh_1
@mahalladosh

Газетанинг телеграмдаги «uzmahallabot»ига ўтиш учун QR-кодни сканерланг!

УЮШМА КУНДАЛИГИ

Қозоғистон делегацияси Уюшмага ташриф буюрди

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси раиси Қаҳрамон Қуронбоев Қозоғистон Республикаси Сенати раиси ўринбосари Жакип Асанов бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.

Учрашув аввалида меҳмонларга юртимиз маҳалла тизими хусусида маълумот берилди. Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ташкил этилган “маҳалла еттилиги” фаолияти меҳмонларда катта таассурот қолдирди.

“Биз бу ерга ўзаро тажриба алмашиш учун келдик. Жаноб Президент томонидан ҳаётга татбиқ этилган ноёб тизим – “еттилик”нинг қисқа фурсатдаги самарасини кўриб, гувоҳи бўлдим. Сиздаги каби бир маҳаллани ташкил этиш учун, аввало, нималар қилиш керак, фаолияти учун қанча маблағ лозим бўлади, деган ўзимдаги саволларга жавоб топдим”, **— деди Жакип Асанов.**

Учрашувда томонларнинг ўзини ўзи бошқариш тизимида келгусида ҳам изчил ҳамкорлик қилишдан манфаатдорлиги билдирилди.



МОҲИЯТ



Камбағал оилаларга “еттилик” тавсияси асосида ипотека кредити ажратилади

Вазирлар Маҳкамаси “Маҳалла еттилиги” тавсияси асосида камбағалликдан чиқариш дастурига киритилган ва уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож бўлган шахсларга ипотека кредитини ажратиш тартиби тўғрисида”ги Низомни тасдиқлади.

Низомга кўра, якка тартибдаги уй-жойни қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш мақсадлари учун Марказий банкнинг асосий ставкасидан **тўрт фоиз бандга юқори** ставкада (17,5 фоиз) **120 миллион сўмгача** миқдорда, **20 йилгача** муддатда ипотека кредитлари ажратилади. Ипотека кредити бўйича дастлабки бадалнинг бир қисмини қоплаш учун кредитнинг **15 фоизи миқдорида** ҳамда фоиз тўловларининг маълум бир қисмини қоплаш учун кредит муддатининг **биринчи беш йили давомида 12 фоиздан** ошган қисмига субсидия тўлаб берилади.

Мазкур ипотека кредитларини қоида тариқасида “Агробанк”, “Халқ банки”, “Микрокредитбанк” ва “Бизнесни ривожлантириш банки” ажратади. Кредитлар бўйича дастлабки бадал ва фоиз харажатларининг бир қисмини қоплаш бўйича субсидиялар **“subsidyplatform.mf.uz” платформаси** орқали берилади.

“Маҳалла еттилиги” доимий равишда хатлов ва ўрганишлар натижаларига кўра, уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож бўлган шахсларни аниқлаб боради. Уларни **Камбағалликдан чиқариш индивидуал дастури**га киритиб боради ва **ипотека кредити олиш учун тавсия** бериш чораларини кўради. Худди шундай, бу тоифадаги фуқаролар ўзлари мустақил равишда “еттилик”ка дастурга киритишни ва тавсия беришни сўраб мурожаат қилиши мумкин. Бу ҳолатда икки кун ичида мурожаат кўриб чиқилади ва натижаси мурожаатчига тақдим этилади.

Айтиш керакки, **мазкур кредит барча камбағал оилаларга ҳам ажратилмайди.** Жумладан, қарз олувчи 60 ёшдан ўтмаган, доимий ва етарли даромад манбаига эга, ипотека бўйича субсидиядан фойдаланмаган бўлиши, аввал олинган кредитдан қарздор бўлмаслиги белгилаб қўйилди. Аризачи ипотека кредитини олиш учун маҳалла тавсияси билан бирга керакли ҳужжатларни тижорат банкига тақдим этади. Маблағлар кредит олувчининг **пластик картасига** ўтказилиши мумкин.

ҲАФТАЛИК

ЁШЛАР СИЁСАТИ ХАЛҚАРО ДАРАЖАДА МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Пойтахтимиздаги “Renessans Hall” мажмуасида “Халқаро ҳамкорлик ташаббуслари” ҳафталиги доирасида “Янги Ўзбекистонда ёшлар сиёсати ва спорт соҳасида эришилган ютуқлар ва истиқболдаги вазифалар” мавзусида сессия ташкил этилди.



Мазкур сессияда Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси ва Республика Ёшлар комиссияси раиси Қаҳрамон Қуронбоев, Спорт вазири Адҳам Икромов, Ёшлар ишлари агентлиги директори Алишер Саъдуллаев, Покистон Бош вазири офиси вакили, Покистон Миллий Ассамблеяси аъзоси Саида Амна Батул, Туркиянинг Ёшлар жамғармаси раҳбари Иброҳим Бешинжи, “Ҳи Чина” Халқаро ёшларни ривожлантириш алянси президенти Лиу Хи ҳамда Озарбайжон Миллий ёшлар ташкилотлари Ассамблеяси раиси Рафаел Хажибайли иштирок этди.

Учрашув давомида Ўзбекистондаги ёшларга оид давлат сиёсати, унинг моҳияти, эришилган ютуқлар ва истиқболдаги устувор вазифалар юзасидан тақдимот қилинди. Айни йўналишда маҳаллаларда амалга оширилаётган ишлар, ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, иқтидорини юзага чиқариш, ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш борасидаги саъй-ҳаракатлар таҳлил қилинди.

Давоми 2-саҳифада.

“ЕТТИЛИК”НИНГ ДАВОМАТИ ДОИМИЙ ВА ТАРТИБЛИ ЮРИТИЛСА...



2-с.

ДАХЛДОРЛИК ТУЙҒУСИ, МАСЪУЛИЯТ ҲИССИНИ УНУТИШГА ҲАҚҚИМИЗ ЙЎҚ



8-с.



Президент Ички ишлар органлари ходимлари куни муносабати билан бир гуруҳ ХОДИМЛАРНИ МУКОФОТЛАДИ.



Президент фармонига кўра, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги МИГРАЦИЯ АГЕНТЛИГИ ташкил этилди.



Эрон ва Ўзбекистон ўртасида савдо-иқтисодий ва транспорт соҳасида БИТИМ ИМЗОЛАНДИ.

ҲАФТАЛИК

Ёшлар сиёсати халқаро даражада муҳокама қилинди



Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

Қайд этилганидек, ҳозирда Ўзбекистонда фуқаролик жамиятининг энг қуйи бўғини саналган маҳалладан бошлаб ёшларни қўллаб-қувватлаш бўйича “Яхлит вертикал бошқарув тизими” яратилган. Тизим асосида республикамиздаги 9 452 та маҳаллада ёшлар етакчилари иш бошлади ва 8,3 миллион нафар “Ёшлар баланси” шакллантирилди. 150 минг 829 нафар ёшга деҳқончилик учун “маҳалла еттилиги” тавсияси билан 54,3 минг гектар ер майдони ажратиб берилди.

Ишсиз бўлган 24,2 минг нафар ёшга меҳнат қуроллари, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида 85,5 минг нафар йигит-қизга 1 триллион 552 миллиард сўм имтиёзли кредит ажратилиб, маҳалланинг ўзида бандлиги таъминланди. Ёшларни юқори даромадли фаолиятга жалб этиш мақсадида “Келажак касблари” лойиҳаси орқали 18,6 минг нафар ёшнинг курс харажатлари тўлаб берилди. 70 минг нафарга яқин йигит-қиз иштирокида “Бизнес марафон”, “Бизнес саёҳат” лойиҳалари амалга оширилди.

Ўзбекистонда яна бир янги тажриба, яъни ижтимоий-иқтисодий муаммоси мавжуд ёшларни давлат идоралари раҳбарлари оталиққа олган ҳолда, уларни қўллаб-қувватлаш тизими яратилди. Бу жараёнда давлат идораларининг 7 965 нафар раҳбарига 122 минг 715 нафар ёш номма-ном бириктирилиб, улардан 67 минг 86 нафарининг турли ижтимоий-иқтисодий муаммолари ҳал этилди. Олиб борилган амалий чора-тадбирлар натижасида 4 024 та маҳаллада ёшлар томонидан жиноят содир этилмади.

Ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш мақсадида “Биз бир бўлсак – ягона халқмиз, бирлашсак – Ватанмиз!” шиори остида 1 612 та чекка маҳалла ҳамда овулларда “Маънавият фестивалларии” ўтказилди. “Беш ташаббус олимпиадаси”га ҳозирги кунга қадар жами 8,3 миллион нафар ёш қамраб олинди. Олимпиаданинг Республика финал босқичида ғолиб бўлган ёшларнинг маҳалласида 969 та спорт майдончалари барпо этилди.

Учрашувда келгуси вазифалар ҳақида сўз борар экан, Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш масалаларини мувофиқлаштириш бўйича Республика комиссияси чет эл давлатлар билан ўзаро тажриба алмашишни ривожлантиришга эътибор қаратади. Ёшлар муаммоларини бевосита маҳалланинг ўзида ҳал этиш тизими яратилади. “Рақамли маҳалла” платформаси орқали ёшлар муаммолари ҳал этилиши ва бандлиги ҳолати тизимли мониторинг қилиб борилади. Маҳаллаларда ёшлар ўртасида маънавий-маърифий ва тарбиявий ишларнинг самарадорлигини янада ошириш чоралари кўрилади.

Айтиш керакки, учрашувда хорижий экспертлар, халқаро ташкилотлар вакиллари, шунингдек, фуқаролик жамияти институтларининг мутахассислари ёшлар йўналишида амалга оширилаётган ишлар бўйича фикр-мулоҳаза билдирди, таклиф ва тавсиялар ўртага ташланди.

КАМБАҒАЛЛИКДАН ЧИҚИШ МУРАККАБ ЭМАС, ХОҲИШ БЎЛСА КИФОЯ

ТАЖРИБА



Мамлакатимизда камбағалликни қисқартириш, одамлар турмуш даражасини ошириш умуммиллий ҳаракатга айланди. “Камбағалликдан фаровонлик сари” ғояси ҳар бир хонадон, ҳар бир оилага янги ҳаёт нафасини олиб кирди. Биз ҳам маҳалладаги камбағал оилалар билан манзилли ишлаяпмиз.

Алишер БОЛТАЕВ,
Қибрай туманидаги
“Юқори юз” маҳалласи раиси.

Хонадонма-хонадон қайта хатлов ўтказиб, 6 та камбағал оила портрети шакллантирилди. Уларни масъул ташкилотларга бириктириб, камбағалликдан чиқариш чорасини кўряпмиз. Ҳозирда 2 нафар камбағал оила аъзосининг бандлиги таъминланди, биттаси касб-ҳунар марказига йўналтирилди. Яна фуқароларнинг қизиқиш ва хоҳишига кўра, имтиёзли кредит асосида тадбиркорлиги қўллаб-қувватланмоқда. Бундан ташқари, 4 та камбағал оиланинг уй-жойи таъмирланди, 2 та оилага турар жой қуриб берилди.

Таъкидлаш керакки, камбағалликни фақат давлат кўмаги билан бартараф этиб бўлмайди, бунинг учун одамларда интилиш, ҳаётини ўзгартиришга хоҳиш-истак бўлиши зарур. Ўзи ва оиласининг келажаги, молиявий фаровонлигини таъминлашда масъулиятни сезиши керак. Афсуски, бугун орамизда берилаётган имкониятлардан самарали фойдаланиш борасида сусткашлик қилаётганлар бор. Уларни уйғотиш, фаолликка ундаш — асосий мақсадимизга айланган. Зеро, давлат бугун ташаббус кўрсатган, ўз олдига юксак марраларни қўйган ҳар қандай кишига имкониятлар эшигини очган.

“Маҳалла еттилиги” вакиллари билан биргаликда меҳнатга яроқли аҳоли ўртасида яхши даромад олиш, фаровон яшашга интилиш, касб-ҳунар ўрганиш, тадбиркорликни йўлга қўйиш, томорқадан самарали фойдаланиш ҳаракатларини қўллаб-қувватлаяпмиз.

Жорий йилда хотин-қизлар фаоли ва ёшлар етакчиси ташаббуси билан 40 нафар аёлга имтиёзли кредит ва субсидия берилди, 75 нафар йигит-қизнинг ташаббуси молиялаштирилди. Қолаверса, 12 та оиланинг олий таълим муассасасида таҳсил олаётган аъзосига шартнома пуллари тўлаб берилди. Ўтган даврда 45 нафар хотин-қиз ва 36 нафар ёшнинг бандлиги таъминланди.

Шу билан бирга, маҳалламизда ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмаслигига биргаликда ҳаракат қиляпмиз. 51 нафар ногиронлиги бўлган шахс, 2 та боқувчисини йўқотган оила, 1 нафар якка-ёлғиз қарияларни қўллаб-қувватлаш борасидаги ишларимизни кучайтирганмиз.

Йил бошидаги хатловда 26 нафар фуқаро миграцияда экани аниқланганди. Улар билан доимий алоқани йўлга қўйдик. Натижада бугунги кунга қадар 15 нафари ватанга қайтишига эришдик. Эътиборлиси, уларни иш билан таъминладик, тадбиркорлигини бошлашига кўмаклашдик.

Шу билан бирга, “Хорижга иш — маҳалладан” тамойили асосида 25 нафар маҳалладошимиз шартнома асосида яхши ҳақ тўланадиган ишларга тартибли тарзда юборилди. Уларнинг тил ўрганиш, касб-ҳунар эгаллаш учун сарфлаган харажати қоплаб берилди.

УЮШМА КУНДАЛИГИ

БЕШТА МАҲАЛЛА ЯНГИ БИНОГА ЭГА БЎЛДИ

Янгиер шаҳридаги 5 та маҳалла фуқаролар йиғинининг янги бинолари фойдаланишга топширилди.

“Маърифат” маҳалласининг биноси “Ташаббусли бюджет” лойиҳаси доирасида янгидан қурилган бўлса, “Фазилат”, “Шукрона”, Заҳириддин Бобур ва Абдураҳмон Жомий номидаги маҳаллаларнинг бинолари тубдан реконструкция қилинди. Биноларнинг тантанали очилиш тадбирларида вилоят ҳокими Акмалжон Маҳмудалиев, сектор раҳбарлари, нуронийлар, маҳалла фаоллари иштирок этди.

— Маҳалла биноларида ходимлар учун барча зарур шароитлар бор, ***— дейди Акмалжон Маҳмудалиев.*** *— Хоналар замон талаблари асосида жиҳозланган. Лекин иш самарадорлиги фақат шунга боғлиқ эмас. “Маҳалла еттилиги” иш кунининг асосий қисмини кўчада, халқнинг орасида ўтказиши зарур. Шундагина одамлар улардан рози бўлади. Фаолиятига берилган ҳақиқий баҳо шу, аслида.*

Масъулларнинг қайд этишича, йил якунигача “Янгиобод” маҳалла фуқаролар йиғини учун янги бино қуриб битказилади, Темур Малик номидаги маҳалла биноси таъмирланиб, бутунлай янги қиёфага келтирилади. Натижада шаҳардаги барча маҳаллалар ўзининг замонавий биноларига эга бўлади.



МИНБАР

“Еттилик”нинг давомати доимий ва тартибли юритилса...

Маҳалла – эзгулик ва тарбия бешиги, яхши қўшничилик, ҳамжиҳатлик масканидир. Мамлакатимизда яшаётган ҳар бир инсон ҳаёти маҳалла, оила билан узвий боғлиқ. Шундай экан, бу маскан обод ва тинч, маҳалладошлар аҳил-иноқ бўлса, турмуш янада файзли кечади.



Аъзамжон ҚЎҚОНБОЕВ,
Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Оқолтин тумани бўлим бошлиғи.

Тизимда амалга оширилаётган ислоҳотлар туманда ҳам ўз аксини кўрсатмоқда. Маҳаллаларнинг моддий-техник базаси мустаҳкамланяпти. Хусусан, шу кунгача барча маҳаллалар янги, замонавий бинога кўчиб ўтди. Жойларда маҳалла сервис компаниялари фаолиятининг йўлга қўйилиши аҳолининг оғирини енгил қилаётгани билан аҳамиятли. Бугунги кунда “Мустақиллик” маҳалласида сервис компанияси қурилиши якунланмоқда.

“Маҳалла еттилиги” зиммасидаги асосий вазифалардан бири — фуқаролар йиғинини ишсизликдан холи ҳудудга айлантиришдир. Бу борада жорий йил бошида мавжуд 13 та маҳаллада хатлов ўтказилиб,



“Омбор китоби” шакллантирилди. Ишсиз фуқаролар билан манзилли ишлаш бўйича “Бандлик дастури” тузилган ва ҳар бир ишсиз билан амалга ошириладиган тадбирлар аниқ белгилаб олинган.

Тумандаги маҳаллаларни ишсизликдан холи ҳудудга айлантириш учун “Агробанк”, “Халқ банки” ва “Миллий банк” ва қишлоқ хўжалиги ходимлари масъул этиб бириктирилган. Улар маҳалла раислари, ҳоким ёрдамчилари билан ҳамкорликда томорқа ва ижара асосида ажратилган ер майдонларидан юқори даромад олиш бўйича тарғибот ишлари олиб бормоқда. Ҳар бир банк 10 тадан намунали лойиҳани молиялаштириши белгиланган.

Жумладан, Сайхунобод ва Уйчи туманларидаги тажрибалар асосида “Омбор китоби”га киритилган ишсизларнинг 80 фоизи банд қилинди. “Агробанк” кўмагида “Шодлик”, “Саховат”, “Андижон”, “Янги Тошкент” маҳаллаларида яшовчи 96 нафар фуқарога 885 млн. сўм кредит ажратилди. Бундан ташқари, Алишер Навоий номидаги, “Кўркам диёр”, “Мустақиллик”, “Обод”, “Янги давр” маҳаллаларидаги 57 та хонадонга 1 074 млн. сўм маблағ берилиб, 89 нафар аҳоли бандлиги таъминланди.

“Рақамли Ўзбекистон — 2030” стратегияси асосида барча маҳаллада “Рақамли маҳалла” платформаси жорий этилди. Йиғин раисларига шахсий кабинет очилиб, логин ва парол берилди. Ҳисобот ва қоғозбозлик кескин камайди.

“Маҳалла еттилиги” фаолиятини янада самарали ташкил этиш бўйича таклифим бор. Туман раҳбарлари “еттилик” фаолиятини ўрганиш, аниқланган камчиликларни бартараф қилиш юзасидан амалий-услубий ёрдамни кучайтириши лозим.

Яна бир таклифим, “маҳалла еттилиги” аъзоларининг ишга келиб кетиши бўйича давоматни (табелни) юритиш тартиби тўғрисидаги йўриқнома тўла ишлашини йўлга қўйиш керак. Амалда барча фуқаролар йиғинида “маҳалла еттилиги” аъзолари меҳнатига ҳақ тўлаш маҳалла раиси томонидан тўлдирилган табель асосида амалга оширилиши лозим. Ҳозирча бу тизим тўлақонли ишламаяпти.

СЎРАГАН ЭДИНГИЗ...

Қандай ҳолларда мурожаат рад этилади?

Аҳрорбек ТЎРАЕВ.
Самарқанд шаҳри:

— Қонунчиликка кўра, маҳалла раиси айрим турдаги ишончномаларни бериш ваколатига эга. Яқинда қўшним иш ҳақи бўйича ишончнома сўраганди. Аммо маҳалла раиси мурожаатини рад этди. Банк берган маълумот ўчириб, тузатилганини асос сифатида кўрсатди. Қандай ҳолларда маҳалла раиси ишончнома беришни рад этиши мумкин?

Баҳром ҚЎШБОҚОВ,
Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси масъул ходими:

— Бу амалиёт Вазирлар Маҳкамасининг “Шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллар, шунингдек, шаҳарлардаги, шаҳарчалардаги, қишлоқлардаги ҳамда овуллардаги маҳаллалар фуқаролар йиғинларининг раислари томонидан ишончномаларни тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори билан тартибга солинган. Раисларнинг бу ҳуқуқи “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги қонунда мустаҳкамланган. Шу асосида фуқаролар йиғини раиси хат-хабарларни, шу жумладан, пул ва юбормаларни, иш ҳақини ҳамда меҳнат муносабатлари билан боғлиқ бўлган бошқа тўловларни, муалифлар ва ихтирочиларга тўланадиган ҳақларни, пенсиялар, нафақалар ва стипендияларни, банклардан суммаларни тасдиқлаб, ишончнома бериши мумкин.

Матн фуқаролар талабига биноан рус тилида ёки имкони бўлса, бошқа мақбул тилда берилади. Белгиланган намуна бўйича ёзилиб, имзоланади ва муҳр билан тасдиқланади. Тасдиқловчи ёзув матни бўлган муҳр ҳам ишлатилиши мумкин.

Ишончнома ўчирилган ёки қўшимча киритилган, сўзлари устидан чизилган, изоҳ берилмаган бошқа тузатишлари бўлган, шунингдек, қаламда ёзилган, варақлари рақамланмаган, ип ўтказиб тикилмаган бўлса (бир неча варақларда баён этилган ҳолларда), ҳужжатни берган ташкилот мансабдор шахсининг имзоси ва муҳри бўлмаса, қабул қилинмайди.



Агар бундай ишончномани тасдиқлаш қонунга зид ёки бу ҳаракат нотариусда амалга оширилса, муомалага лаёқатсиз фуқаро ёхуд зарур ваколати бўлмаган вакил ишончномани тасдиқлашни сўраб мурожаат қилса, тақдим этилаётган ҳужжат қонун талабига мувофиқ келмаса, маҳалла раиси уни рад этади.



Президент имзолаган қонун билан сув ресурсларини самарали БОШҚАРИШ ТИЗИМИ жорий этилади.



Президент фармонига кўра, Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ БЎЙСУНУВИГА ўтказилди.



Хорижда маҳкум этилган шахсларни Ўзбекистонга ҚАБУЛ ҚИЛИШ чоралари такомиллаштирилади.

ТАҲЛИЛ

“Уйчи тажрибаси” уста-ҳунармандни ўз уйида банд қиляпти



Ишсизлик ва камбағалликни қисқартиришда ҳар бир ҳудуднинг ўсиш нуқтасидан самарали фойдаланиш белгиланган. Бу борада туманда ўзига хос тажриба яратилган. Республикада “Уйчи тажрибаси” оммалашиб бормоқда. Бу ташаббусни Президентимиз “Қумтепа” ёшлар кичик саноат зонасига ташрифи давомида илгари сурганди. Дарҳақиқат, туман маҳаллаларида уста-ҳунармандлар учун шароитлар яратилиб, металл буюмлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Темирчилик — “Қумтепа”, “Деҳқон”, “Баландарик”, “Жийдакапа” маҳаллалари “драйвери”.

Ҳусниддин АҲМЕДОВ, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Уйчи тумани бўлим бошлиғи.

Туманни ишсизликдан холи ҳудудга айлантиришда ўсиш нуқтасидан самарали фойдаланяпмиз. Бунинг учун масъул раҳбарлар бошчилигида ҳоким ёрдамчилари иштирокида 4 та йўналишда штаб ташкил этилган. Ҳар бир маҳаллага ташкилот ва корхоналар масъул этиб бириктирилган. Ўтган уч ойда “маҳалла еттилиги” кўмагида 17 минг 131 нафар фуқаро бандлиги таъминланди.

Аҳоли томорқаси ва “мижозбай” ишлаш штаби “хонадонбай” ишлаш орқали томорқада сабзавот, картошка, полиз, дуккакли ва бошқа экинлар экишни ташкил этди. Имтиёзли дастурлар доирасида 1 минг 239 нафар аҳоли ва тадбиркорлик субъектига кредит маблағи ажратилди.

Бандлик ва миграция масалалари йўналишида 6 минг 928 нафар фуқаро ўзини ўзи банд қилди. Меҳнат ярмаркалари ўтказилиб, 208 нафар ишсизлар билан шартнома тузилди. Шунингдек, 235 нафар фуқаро касбга ўқитилди, 179 нафари ҳақ тўланадиган жамоат ишига жалб қилинди. Субсидия маблағи ҳисобидан ишсизларга меҳнат қуроллари берилиб, даромад манбаси яратилди.

Меҳнат миграциясидаги фуқароларни ватанга қайтариш, даромадли иш ўринларида бандлигини таъминлаш мақсадида улар билан доимий алоқа йўлга қўйилди. Иш ва яшаш шароити ўрганилиб, етарли даромадга эга бўлмаган фуқароларга зарур кўмак берилди. Натижада 1 минг 477 нафар фуқаро меҳнат миграциясидан қайтди. Бугунги кунда барчасининг бандлиги таъминланди.

Инвестиция дастури ва кичик саноат зоналари штаби кўмагида ҳудудий инвестиция дастури доирасида қиймати 85,7 млрд. сўмлик 12 та лойиҳа ишга туширилиб, 663 та иш ўрни яратилди. Хозирда қиймати 485,3 млрд. сўмлик 60 та лойиҳа амалга оширилмоқда. Туманда жами 40 гектар ер майдонида 6 та кичик саноат зонаси, шундан 3,6 гектар ер майдонида 1 та ёшлар саноат ва тадбиркорлик зонаси ташкил этилган. Бу ерда 502 млрд. сўмлик 110 та лойиҳа амалга оширилиши ортидан уч мингдан зиёд янги иш ўринлари яратилди.

Ёшлар билан ишлаш йўналишида икки минг нафардан ортиқ йигит-қизлар бандлиги таъминланди. 2024 йилда “маҳалла еттилиги”нинг тавсияси асосида 1 минг 720 нафар ёшга 344 гектар ер майдони ажратиб берилди. Натижада йил якунигача уч мингга яқин оила даромади оширилиб, камбағаллик даражаси 10,4 фоиздан 4,9 фоизга камайтирилиши кутиляпти.

Туман ҳудудида маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш мақсадида “Уч авлод” учрашувлари, “Китобхонлик тадбирлари”, “Инсон қадри учун”, “Кинокарвон” лойиҳалари, “Жаҳолатга қарши маърифат билан”, “Маърифатли оила”, “Соғлом ҳаёт — соғлом келажак” каби маънавий тадбирлар, “Қадриятлар қадр топган юрт”, “Обод хонадон”, “Обод кўча”, “Обод маҳалла” каби мавзуларда тарғибот ишлари олиб борилди. Жорий йилда умумий 205 та оммавий-маданий, маънавий-маърифий тадбир ташкил этилди.

Муаммоларни аниқлаш учун 56 та маҳаллада 10 минг нафар аҳоли ўртасида ижтимоий сўровнома ўтказдик. Натижага кўра, ҳар бир маҳаллада жамоатчилик асосида “Маърифат” тарғиботчилари фаолияти йўлга қўйилди. Ушбу вазифага энг фаол, ташаббускор ва соҳанинг фидойилари саралаб олинди.



СЎРАГАН ЭДИНГИЗ...

Зарбиби НОСИРОВА. Шўрчи тумани:

— Мен ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида рўйхатдан ўтганман. Банкдан истеъмол кредити олишни истасам, даромадим миқдори қандай тасдиқланади? Агар бетоблигим сабабли даволансам, касаллик варақасига ҳақ тўланадими? Бир вақтнинг ўзида меҳнат ёки фуқаролик шартномаси бўйича ишлашим мумкинми?

ЎЗИНИ ЎЗИ БАНД ҚИЛГАНЛАР ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАЙДИМИ?



Аборбек ЭЪЗОЗХОНОВ, “Мадад” ННТ ҳуқуқшуноси:

— Сиз бажарилган хизматлар ва олинган даромадлар тўғрисидаги ахборотни “Soliq” мобиль иловасига киритишингиз мумкин. У ерда жисмоний ёки юридик шахслардан олинган суммалар қайд этилади. Шу асосда олинган даромадлар тўғрисида маълумотномани шакллантириш ва чоп этиш мумкин. Шунингдек, ўз даромадингизни тасдиқлаш учун ихтиёрий асосда декларация топширишингиз белгиланган.

Агар ўзини ўзи банд қилган шахс бетоблиги сабабли иш қобилиятини йўқотса, касаллик варақасига ҳақ тўланмайди. Таътил пули ҳам берилмайди.

Бўш вақт ва бошқа ресурслар ўзини ўзи банд қилган шахсга меҳнат шартномаси бўйича ишлаш имконини берса, малакаси ва маълумоти бўйича ишга жойлашиши мумкин.

Масалан, ўзини ўзи банд қилган шахс таржимон сифатида рўйхатдан ўтган. Унда ҳафтада 20 соат турфирмада асосий иш жойи бўйича таржимон бўлиб ишлаш имконияти мавжуд. Бу ҳолда жисмоний шахснинг даромадига ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида даромад солиғи солинмайди. Фақат асосий иш жойи бўйича 12 фоиз ставка бўйича тўлов тўлайди.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Муҳаммадали МАМАДАЛИЕВ. Ёзёвон тумани:

— Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида кредит ажратишни сўраб, ягона электрон платформа орқали ариза бергандим. Айрим сабабларга кўра, маълумотларни нотўғри киритибман. Бу хатони тузатиш учун аризани ўзгартириш имкони борми? Кредит учун ресурсларни маҳаллалар кесимида ким тақсимлайди ва уни қандай ўзгартирса бўлади?

АГАР АРИЗА ХАТО КИРИТИЛСА...



Шерзод ОТАЖОНОВ, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги масъул ходими:

— Ҳа, хатони тузатиш имкони бор. Ҳоким ёрдамчиси тавсиянома беришдан олдин кредит мақсади ва суммасига ўзгартириш киритса бўлади. Платформа орқали келиб тушган аризага тавсиянома беришда қарз олувчининг яшаш манзилига ёки тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш жойига чиқиб, шарт-шароити ўрганилади. У билан тадбиркорлик фаолиятига оид масалалар муҳокама қилинади. Жараёнда қарз олувчининг аризасидаги кредит мақсади ва суммасини ўзгартириш мумкин.

2023 йил 1 июндан бошлаб, аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига кредит ажратиш жараёнида қарз олувчини ID-карта(биометрик паспорт) даги маълумотлар асосида идентификация қилиш йўлга қўйилган.


Бундан ташқари, хатолик аниқланса, ариза берувчи уни бекор қилиши мумкин. Бу ҳолатда ҳоким ёрдамчиси тавсиянома бермаган бўлиш керак. Шундан сўнг, сиз телефон орқали “SMS” тарзида келган интернет ҳаволага ўтасиз. Телефон рақамни тўлиқ ёзиб, бекор қилиш тугмасини босасиз. Сўнгра келган тасдиқлаш кодини киритасиз.

Маҳаллалар кесимида ресурсларни шаҳар ва туман ҳокимларининг биринчи ўринбосарлари кўриб чиқиб, тақсимлайди. Уни вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари тасдиқлайди. Ресурслар тақсимотини ўзгартириш учун шаҳар ва туман ҳокимлиги асослантирган ҳолда ҳар ойнинг 10-санасига қадар, маҳаллалар кесимида ресурсларни қайта тақсимлаб, вилоят ҳокимлигига тақдим этиши лозим.

ТОМОРҚА МАКТАБИ

ДАРАХТДАГИ ЗАРАРКУНАНДА ҚАНДАЙ ЙЎҚОТИЛАДИ?

Касаллик ва зараркунандаларнинг замбуруғлари асосан, дарахт танасидаги ёриқларда қишлайди. Муаммонинг олдини олиш учун дарахт танасини оқлаш керак. Натижада нафақат зараркунандалар кириб тапланади, балки дарахтлар совуқдан ҳимоя қилинади.




Бунинг учун 2 кг. тупроққа 1,5-2 кг. оҳак аралаштириб, суюқ қаймоқсимон масса ҳолига келтирилади. Тайёр эритма билан дарахт танаси ҳамда она шохлар оқланади. Бу айниқса, данакли мева дарахтлари(ўрик, шафтоли, гилос, олхўри, олча)га яхши таъсир этади. Бунда ҳар 10 литр эритмага 80-100 грамм мис кукуни сувда эритиб, қўшиб юборилса, самараси янада ортади.

Дарахт баргларининг 65-75 фоизи тўкилгандан сўнг, замбуруғли касалликларга чалинган боғларда танасининг 3 фоизли бордо суюқлиги ёки 6 фоизли карбамид эритмаси билан яхшилаб ювиш керак.

ҚУЛУПНАЙНИНГ ҲОСИЛИ МЎЛ БЎЛСИН, ДЕСАНГИЗ...

Қулупнай гидропоника усулида яхши ҳосил берувчи экинлардан бири. Ундан йил давомида мева олиш имкони бор. Жараёнда ўсимликни тўғри озиқлантириш муҳим ҳисобланади. Кўп миқдорда азот, калий ва фосфор билан ўғитлаш керак.



Қулупнай учун зарур бўлган элементлар — кальций, магний ва олтингугуртни ўз ичига олади. Бундан ташқари, хлор, кобальт, мис, марганец, молибден ва цинк талаб қилинади.

Яна бир муҳим ҳолат шуки, экиннинг ривожланиш вақтида паст намлик барқарор равишда таъминланиши лозим. Бунда ёруғликнинг аҳамияти юқори. Қулупнайга кунига 12-16 соатгача қуёш нури зарур.

Нокни қандай сақлаган маъқул?

Бу меванинг чидамли навини 4-5 ой, кузги навини 1,5-2 ой сақласа бўлади. Олмага нисбатан тез сифатини йўқотади. Шу сабабли уни узишда ва яшикларга жойлашда эҳтиётқорлик талаб қилинади.




Одатда пишиб етилиш олдидан узиб, тоза ва қуруқ қутиларга жойланади. Тагига қоғоз ёйиб қўйилади. Қоғознинг иккинчи учи нокнинг устига қўйилади. Устига қиринди сепиб, картон билан маҳкамланади. Шахмат усулида жойлаштириб, қатор орасига қиринди сепса ҳам бўлади.

Иссиқлик миқдори мўътадил ва бир хил турадиган жойда 300-350 кг. ли контейнерда сақланади. Ҳарорат 1-2°С даражагача бўлгани маъқул. Кўпинча бу ҳароратда ўта кечпишар навлардан терилган мевалар жуда секин етилади. Сақлаш муддатининг охиригача рангини йўқотмай, қаттиқ ҳолда туради.

Бундай нокларни сотувга чиқаришдан аввал 4-7 кун давомида 15-20°С даражада сақлаб, пишириш лозим. Сақлаш хонасида ҳавонинг нисбий намлиги 85-90°С даража бўлиши керак. Асло ҳароратнинг тез ўзгариб туришига йўл қўймаслик лозим. Акс ҳолда мевалар тез нобуд бўлади.

Шуҳрат ОТАЖОНОВ, Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази директори.



“Хорижда меҳнат фаолиятини амалга ошириш жараёнларини тартибга солиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРИ қабул қилинди.



Хорижга ишлашга кетаётган фуқароларга Миграция жамғармаси ҳисобидан 10 МИЛЛИОН СЎМГАЧА икки йил муддатга микрокредитлар ажратилади.



Фуқароларнинг хорижда ишга жойлашиши ва “ишчи виза”га оид ҳужжатларини расмийлаштириш бўйича БЕПУЛ КОНСАЛТИНГ хизматлари кўрсатилади.

МАНЗАРА

“Сузиш ҳавзаси бўлса, марказга қатнамасдик”

Маҳалламизда аҳолининг 30 фоизини ёшлар ташкил этади. Улар билан боғлиқ муаммоларни ўрганиш жараёнида, асосан, “оғир” тоифадаги ва ишсиз йигит-қизларга кўпроқ кўмак бериш лозимлигини тушундим. Шунга кўра, жорий йил давомида 39 нафар ёшга 50 сотиҳдан ер ажратдик. Улар бу ерга мавсумий экинлар экиб, фойда кўряпти. Ҳар тўқсон кунда йиғим-терим ишлари бошланади. Ҳозиргача тўқсонбосди ҳосилдан 3 марта олишга эришилди.



Толиб ТЕШАБОЕВ,
Гулистон туманидаги “Бахмал” маҳалласи ёшлар етакчиси.

Юқоридаги ишларни намуна қилиб кўрсатиб, миграциядан қайтган, олий таълим муассасасига кира олмаган, шунингдек, ногиронлиги бор ёшларга ер олиб, деҳқончиликни бошлашига туртки бердим. Таклифимга биноан, ердан мўмай даромад қилишни истаганлар аукционда иштирок этиб, ер олишга муваффақ бўлишди. Биринчи мавсумда ғалла, иккинчисида мош экиб, 15 миллион сўмдан фойда қилишди.

Анча пайтгача ёшларни яна қандай фойда келтирувчи иш билан банд этсам экан, деб ўйлаб юрардим. Яқинда маҳалламизда гулчилик билан шуғулланадиган тадбиркорнинг иш фаолияти билан танишиб, бу соҳага бўш юрган йигит-қизларни жалб қилишни мақсад қилдим. Бунинг учун, аввало, гулчиликда яхши тажрибага эга бўлган мутахассислар билан маҳорат дарсларини ташкил этдик. Ҳозирда 12 нафар ёш 6 гектар ерда гулчилик билан шуғулланяпти. Шундай ёшлардан бири Мансур Деҳқоновга апрель ойида аукционда 50 сотих ер ажратилди. У коллежни битириб, анчадан буён бўш юрганди. Унинг истагига биноан, гулчилик билан шуғулланиши учун шароит яратиб берилди. Ҳозирда у етиштирган гуллар Хитойга экспорт қилинади. Икки мавсумда гул териб, 100 килограммидан 2 минг доллар фойда қилди.

Қишлоқ хўжалигида парранда-чилик билан шуғулланиб, тадбиркорликни йўлга қўйган ёшлар бор. Миграциядан қайтган йигитларни қўллаб-қувватлаш мақсадида икки нафарига 33 миллион сўм миқдорида имтиёзли кредит ажратдик. Улар уйида 1 000 тадан жўжа боқяпти. Айтишларича, бу жўжалар 35 кунда тайёр бўлади. Сўнгра гўшти ва тухумини жойидан олиб кетишади. Бир марталик тайёр товуқлардан 15 миллион сўмгача фойда қилиш кутилмоқда.

Ҳудудимиз “яшил” тоифага киради. Жиноятчилик ва ёшларнинг хулқ-атвори билан боғлиқ муаммолар деярли кузатилмайди. Ҳуқуқбузарликка мойиллиги бўлган йигит-қизлар бўлса, дарров норозилик кайфияти сабабини аниқлаб, уларни психолог ёки маънавият устозларига бириктирамиз. Ҳар ҳафта профилактика инспектори билан мактабга бориб, ёшлар билан суҳбатлашамиз. Ўзаро мулоқот жараёнида уларни қизиқтирган саволларга жавоб бериб, муаммоларига ечим топишга уринамиз. Орасида ижтимоий ёрдамга муҳтож оила фарзандларини аниқлаб, моддий қўллаб-қувватлаймиз. Яқинда шундай кам таъминланган 4 нафар ўқувчининг хонадонида бўлдик. Бирининг отаси йўқ. 5 нафар фарзанд билан аёл норасмий ишда ишлайди. Уларга “Вақф” фонди кўмагида моддий ёрдам ажратиб, болаларга кийим-бош, аёлга тикув ва кир ювиш машиналарини олиб бердик.

Шароити яхши бўла туриб, имтиёзли кредит олишни истаган ёшлар бунинг учун қандай йўл тутишни сўраб, менга мурожаат қилади. Тадбиркорликни бошлаш учун аниқ режаси бўлса, ўрганиб чиқиб, уларга кредит олишида кўмаклашаман. Яқинда бир йигит шундай таклиф билан ёнимга келди. Анчадан буён шогирд сифатида автомобиль тузатиш устахонасида ишлаб келар экан. Ўзига алоҳида жой ажратишимизни илтимос қилди. Унга 33 миллион сўм эвазига машина тузатиш асбоб-ускуналарини олиб бердик. Ҳозир мустақил равишда устачилик билан шуғулланади. Ёнида бир нечта шогирдлари бор.

Йигит-қизларнинг таълимга бўлган қизиқиши юқори. Дарсдан ташқари мактабнинг ўзида ўқув курслари ташкил этилган. Туман марказида қўшимча тил ўқитиш марказлари очиляпти. Ўқишга хоҳиши бўлган, бироқ шароити бўлмаганларга курс харажатларини қоплаб беряпмиз. Яқинда шундай ёшлардан 4 нафарига курс пули тўлаб берилди.

Маҳалламизда спортга қизиқмайдиган ёшлар йўқ. Йигит-қизлар доимий равишда спорт билан шуғулланиб, соғлом ҳаёт тарзига риоя қилишга интилади. Турли машғулотлар бўйича тўгараклар мавжуд. Бироқ анчадан буён улар спортнинг сузиш тури бўйича шароит яратиб беришимизни сўрайди. Маҳалламиз ёшлари сузиш машғулотига 6 километр узоқликдаги шаҳар марказига қатнашга мажбур. Спортнинг бу тури “Беш ташаббус олимпиадаси”га киритилмаган.

Таклифим шундан иборатки, 3-4 та яқин маҳаллалар учун битта катта сузиш мажмуасини ташкил этиш жоиз. Ўйлайманки, ушбу мажмуа ҳам ёшларнинг соғлом бўлиши, ҳам мусобақаларда иштирок этиб, ўз қобилиятини намоён этишига хизмат қилади.



ТАҲЛИЛ

“Бир лаҳза бўлса-да, ёшларни бўш қолдирмаймиз”



Хатирчи туманидаги маҳаллалар сони 70 тани ташкил этиб, уларда 48 минг 487 нафар ёш истиқомат қилади. Сўнгги йилларда туманимизда ёшлар билан ишлашнинг ноёб тизими яратилди. Шу асосда фарзандларимизни замонавий касб-ҳунарларга ўқитиш, бандлигини таъминлаш, бўш вақтини мазмунли ўтказиш борасида муҳим натижаларга эришилянти. Ижтимоий аҳволи ва турмуш шароити оғир оилалар муаммолари тизимли равишда ҳал этилиб, ижтимоий қўллаб-қувватланмоқда.



Воҳиджон АВЛОНОВ,
Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Хатирчи тумани бўлими бошлиғи.

Туманда “оғир” тоифадаги ёшлар сони 563 нафарни ташкил этади. Улар пробация назоратидагилар, профилактик ҳисобда турганлар, мунтазам дарс қолдирувчилар, гиёҳванд ва психотроп моддаларини истеъмол қулувчилар, нотинч оила фарзандлари, миграциядан қайтиб келганлар, оилавий ажралиш ёқасидаги ёш оилалар, агрессив хулқли уюшмаган ёшлар ҳисобланади. Бугунги кунда ҳудуддаги раҳбарлар ўзларига бириктирилган ёшлар билан доимий равишда учрашиб, уларнинг муаммо ва таклифларини ўрганяпти. Мисол учун, ўтган давр мобайнида 563 нафар ёшнинг 128 нафарида муаммо аниқланди ва барчасининг иқтисодий, ижтимоий масалалари ижобий ҳал этилди. Аксарияти бўш иш ўринларига жойлаштирилди, маълум қисмига сафарбарлик чақирув резерви бадали қоплаб берилди, деҳқон хўжалигини юритиш истагидагиларга ер майдони ва тадбиркорлик йўналишида имтиёзли кредит ажратилди, озиқ-овқат маҳсулотлари ва бошқа турдаги бир марталик моддий ёрдамлар кўрсатилди.

“Қўқон тажрибаси” асосида уюшмаган ёшлар билан ишлаш йўналишида туманда 358 нафар ёш рўйхатга олинган бўлиб, уларга ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлардан 19 нафар ходим бириктирилган. Ёшлар билан ўтказилган учрашувлар натижасида йигит-қизлар 96 та муаммони кўтаришди ва барчасининг муаммолари ўз ечимини топди. Хусусан, улар касб-ҳунарга ўқитилди, профилактик ҳисобдан чиқарилди, даволаниш харажатлари қопланди, асбоб-ускуна ва меҳнат қуроллари учун субсидия ажратилди, ажралиш ёқасидаги ёш оилалар яраштирилди.

Меҳнат миграцияси соҳасида юртдошларимизнинг чет элдан қайтишига кўмаклашиш, уларнинг яшаш ва ишлаш шароитларини яхшилаш масалаларида тизимли ишлар амалга оширилди. Ҳозирда туман миқёсида 1 минг 12 нафар ёш турли сабаблар билан хорижга ишлагани кетган. Сектор раҳбарлари ишлаш, ўқиш, даволаниш ва бошқа мақсадларда чет мамлакатларга кетган ёшлар билан онлайн мулоқот ўтказди. Ёшларнинг мурожаатлари тингланди. Уларнинг муаммо ва таклифлари ўрганилган ҳолда, 640 нафари Ватанга қайтарилди ва 147 нафарининг бандлигини таъминладик. Жумладан, миграциядан қайтганлар ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида рўйхатдан ўтказилди, айримларининг норасмий секторда бандлиги таъминланди, ўқиш истагида бўлганлар олий таълимга қамраб олинди, деҳқончилик қилиши учун ижара асосида ер майдони ажратилди.

“Ёшлар бандлиги” дастури ижроси бўйича Хатирчи туманида ўтказилган хатлов натижасида ишсиз 2 минг 169 нафар ёш рўйхатга олинди. Уларнинг 403 нафари доимий иш билан таъминланди. 68 нафари касб-ҳунарга ўқитилди, 417 нафарига 10 миллиард 271 миллион сўм миқдорида имтиёзли кредит ажратилди ҳамда 259 нафари муддатли ҳарбий хизматга юборилди.

“Уйчи тажрибаси” асосида ҳар бир маҳаллага масъул раҳбарлар бириктирилиб, бандликни таъминлашда “Долзарб 60 кунлик” эълон қилинди.

Ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, уларни турли танловларга жалб қилиш борасида қатор ташаббуслар илгари сурилди. Хусусан, Ёшлар ишлари бўлими билан ҳамкорликда уюшмаган ёшлар ўртасида “Аждодлар изидан”, мактаб ўқувчилари учун “Билимдон болалар” телевизион ўйинлари, вилоятдаги олий таълим ва профессионал таълим муассасалари ўртасида “Интеллектуал олимпиада” ва маҳаллалардаги ёшлар етакчилари ўртасида “Интеллектуал ҳафталик” каби лойиҳалар ташкил этилди.

“Беш ташаббус олимпиадаси”нинг 2024 йилги мавсумида иштирок этиш учун 45 минг 814 нафар ёш онлайн платформа орқали рўйхатдан ўтди. “Ёшлар ойлиги” доирасида “Янги Ўзбекистон ёшлари, бирлашайлик!” шиори остидаги Ёшлар фестивали доирасида 16 та лойиҳа, турли спорт мусобақалари, танлов ва кўргазмалар намойиши ҳамда концерт дастури ташкил этилди. Шунингдек, “Ёшлар ҳаракати — саломатлик учун” шиори остида югуриш марафони, “Ёш мусаввирлар”, “Жадидлар билимдони”, “Заковат” танловлари, “Ёш ихтирочилар” амалий ишланмалари кўргазмалари, “Замонавий касблар” “Ибрат”, “Мутолаа”, “Устоз AI”, “Uzchess” каби лойиҳалар тақдимоти ўтказилди. Ушбу лойиҳаларда 3 минг нафардан ортиқ ёш иштирок этди.

Умуман олганда, туман маҳаллаларида ёшлар билан манзилли ишлаш йўлга қўйилган. Ёшлар етакчилари кўмагида уларнинг муаммолари аниқланиб, “маҳалла еттилиги” ёрдамида аксарият масалалар жойида ҳал этиляпти. Бундай эътибор ва ғамхўрликларга жавобан туман ёшлари турли танлов ва мусобақаларнинг республика босқичларида совринли ўринларни қўлга киритяпти. Айни йўналишдаги ишларимизни бундан кейин ҳам изчил давом эттирамиз, маҳалла ёшларининг бир лаҳза-да бўш қолишига, турли ёт унсурлар таъсирига тушиб қолишига асло йўл қўймаймиз.



МЕНДА САВОЛ БОР...

“Таълим бермоқчиман, лекин нутқимда нуқсоним бор...”

Маржона ХУДОЙҚУЛОВА. Асака тумани:

— Мен университетда таълим олиб, филология факультетини тугатганман. Менда туғма танглай кемтиклиги бор. Саволим шуки, туғма танглай кемтиклиги бор шахс педагогик фаолият билан шуғулланиши мумкинми?

Камолиддин МАШРАПОВ, Андижон вилояти адлия бошқармаси бошлиғи ўринбосари:

— Албатта, мумкин. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 42-моддасига кўра, ҳар ким муносиб меҳнат қилиш, касб ва фаолият турини эркин танлаш, хавфсизлик ва гигиена талабларига жавоб берадиган қулай меҳнат шароитларида ишлаш, меҳнати учун ҳеч қандай камситишларсиз ҳамда меҳнатга ҳақ тўлашнинг белгиланган энг кам миқдоридан кам бўлмаган тарзда адолатли ҳақ олиш ва ишсизликдан қонунда белгиланган тартибда ҳимояланиш ҳуқуқига эга.

Меҳнат кодексининг 4-моддасига кўра, ҳар ким меҳнат ҳуқуқларини амалга ошириш ва ҳимоя қилишда тенг имкониятларга эга. Шунингдек, “Педагогнинг мақоми тўғрисида”ги қонуннинг 15-моддасига кўра, қуйидаги шахсларнинг педагогик фаолият билан шуғулланишига йўл қўйилмайди:

—қонуний кучга кирган суд ҳукмига мувофиқ педагогик фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум этилган шахслар;

— қонунчиликда белгиланган тартибда суд томонидан муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилган шахслар;

— педагогик фаолиятни амалга оширишга тўсқинлик қиладиган касалликлари бўлган шахслар;

— психиатрия ёки наркология муассасаларида ҳисобда турган шахслар;

— қасддан содир этилган жиноят учун илгари судланган шахслар.

Педагогик фаолиятни амалга оширишга тўсқинлик қиладиган касалликлар рўйхатини Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлаган.

Юқоридагилардан хулоса қилсак, туғма танглай кемтиклиги мавжуд ходимларнинг педагогик фаолият билан шуғулланишига амалдаги қонунчилик ҳужжатларида ҳеч қандай чеклов мавжуд эмас.


Меҳнат ёки машғулотлар соҳасида ўзини камситилган, деб ҳисоблаган шахс камситилиш факти устидан белгиланган тартибда шикоят қилиши, шу жумладан, камситишни бартараф этиш ҳамда ўзига етказилган моддий зарарнинг ўрнини қоплаш ва маънавий зиённинг компенсация қилиниши тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат қилиши мумкин.



2024 йил ўз капиталига эга 250 та компания ЎЗБЕКИСТОНДА ОФИСИНИ ОЧДИ.



Энди UZCARD картасидан фойдаланувчилар Қирғизистон ҳудудида ҳам тўловларни амалга оширади.



ЖССТ ва Бутунжаҳон қандли диабет жамғармаси бир нечта тиббиёт муассасаларига "ФУНДУС КАМЕРА" тақдим қилди.

НАТИЖА

“Маллабой”да маҳорат дарслари ўтиляпти, тажрибаси оммалаштириляпти

Бекобод туманида 51 та маҳалла фуқаролар йиғини бор. 31 235 та хонадондаги 45 303 та оилада 168 000 нафар аҳоли яшамоқда

Бекобод тумани аграр соҳага ихтисослашган. Аҳолининг асосий қисми деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланади. Йиллар давомида ота-боболаридан ўтиб келган деҳқончилик сирларини пухта ўзлаштирган бободеҳқонлар замонавий илғор технологияларни қўллаган ҳолда ернинг ҳар қаричидан унумли фойдаланиб, юқори ҳосил олмоқда.



Қобилжон БОБОЖОНОВ,
Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Бекобод тумани бўлими бошлиғи.

Қўшни Тожикистон Республикаси билан чегарадош **“Сарюз” маҳалласи аҳолиси картошка етиштириш бўйича катта тажрибага эга.** Биринчи ҳосилга картошка, иккинчи экинга ерёнғоқ экиб, оилавий даромадларини оширмоқда. **“Бешюз”, Фарҳод номидаги, “Олтин водий”, “Боғишамол” маҳаллалари деҳқонлари карам, гулкарам, булғор қалампир етиштириб, қўшни давлатларга экспорт қиляпти.**

Сайхунобод, Уйчи, Зарбдор туманларидаги илғор тажрибаларни оммалаштириш билан бирга, ўзига хос тажрибалар шаклланган. **“Маллабой” маҳалласи ўзининг миришкор деҳқонлари билан ҳамиша фахрланиб келади.** Ёшлар деҳқон хўжаликлари учун берилган ер майдонларидан самарали фойдаланмоқда. Шулардан бири – томорқачи **Зокиржон Арслонқулов оиласи билан 30 сотих майдонда иссиқхона қуриб, йилига уч марта ҳосил оляпти.** Биринчи экинга бақлажон, иккинчисига помидор экди. Бақлажондан 10 миллион сўмга яқин даромад қилган бўлса, пишиб етилган помидор ҳосилининг биринчи узумидан 4,5 тонна ҳосилни 8 млн. 500 минг сўмга сотди. Учинчи ҳосилда помидор тагига экилган рукола ўсимлигидан келадиган даромад кутиб турибди.

Ҳозирда **маллабойлик деҳқонларнинг тажрибасини туман миқёсида оммалаштиряпмиз.** Маҳаллалардаги кам даромадли, деҳқончилик қилиш истагидаги ёки дангасароқ фуқароларни “Маллабой” маҳалласидаги хонадонларга олиб келиб, маҳорат дарси ўтиляпти.

“Обод хонадон”, “Обод кўча”, “Обод маҳалла” мезонлари асосида туман ҳокими ва сектор раҳбарлари билан ҳамжиҳатликда корхона ва ташкилотлар ҳамда ҳомийлар кўмагида хайрли ишлар қилинмоқда. Жумладан, **“Бунёдкор“ маҳалласида оилавий шароити оғир, кам таъминланган Холқиз Абдураҳимованинг эски 2 хонали уйи тўлиқ таъмирланди.** Бу оилага камбағалликдан чиқиш учун аҳолига хизмат кўрсатувчи дўкон қуриб берилиб, маҳсулот билан таъминловчи тадбиркор бириктирилди. Шунингдек, **“Теракзор” маҳалласидаги оғир шароитда яшаётган Ихтиёр Розиқовнинг оиласи учун ҳашар йўли билан 2 хонали уй қурилиши ниҳоясига етмоқда.** Ҳар ойда маҳаллаларда ана шундай катта ҳашар ўтказилиб, шу баҳонада ёшу қари бирлашиб, мавжуд муаммолар, масалалар муҳокама этилмоқда.





Бундан ташқари, “Боғишамол” маҳалласи Пахтазор кўчасида истиқомат қилувчи II гуруҳ ногирони, оилавий шароити оғир бўлган Абдувоит Абдурасулов фарзандининг хатна тўй маросими ўтказилиб, туман ҳокимининг совғалари топширилди. Тўй-тўйга уланиб, Бекобод туманидаги “Ором” тўйхонаси раҳбари ҳомийлигида 16 та кам таъминлаган, ижтимоий ҳимояга муҳтож оила фарзандларининг суннат тўйлари қилиб берилди.

Маҳаллаларда куз-қиш мавсумига тайёргарлик ишлари қизғин давом этмоқда. Мавсумни беталафот ўтказиш мақсадида коммунал соҳага дахлдор хизматларнинг иш сифати ва самарадорлигини ошириш бўйича зарур чоралар кўрилмоқда. Хусусан, “Деҳқонобод” маҳалласида ариқ-зовурларни тозалаш ишлари бажарилди. “Ойбек” ҳудудида эскирган симёғочларнинг ўрнига янги бетон таянчлар ўрнатилди. “Ёшлик-2” маҳалласидаги сув иншооти трансформатори таъмирланди. “Бешюз” маҳалласида электр таъминотини яхшилаш мақсадида темир-бетон таянчлар, кабеллар ва трансформаторлар қўйилди. Фарҳод номидаги маҳаллада фуқароларнинг мурожаатидан келиб чиқиб, пиёдалар учун саломатлик йўлакчасини қуриш ишлари бошлаб юборилди.

Эътиборлиси, туманда олиб борилаётган барча соҳалардаги ишларда “еттилик”нинг ўрни ва хизмати беқиёс.



МЕНДА САВОЛ БОР...

Бекжон ФАРМОНОВ.
Хоразм вилояти.

– Ипотека кредити асосида уй-жойга муҳтожлар учун квартира олганман. Кредит тўлови суммаси ҳар ой иш ҳақимдан ушлаб қолиняпти. Ойлик иш ҳақидан ипотека кредити тўланса, даромад солиғидан имтиёзлар бериладими?

ИПОТЕКА КРЕДИТИ ТЎЛАГАНГА ИМТИЁЗ БОРМИ?

Руслан ШОМУРОДОВ,
Хоразм вилояти солиқ бошқармаси давлат солиқ катта инспектори:

– Бошланғич тўлови ва кредит фоизлари давлат бюджетидан ажратилган субсидия асосида олинган ипотека кредитлари ва уларга ҳисобланган фоизларга йўналтирилган меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори (1 155 000 сўм)нинг 80 бараваригача бўлган жисмоний шахсларнинг иш ҳақи ва бошқа даромадлари даромад солиғидан озод этилган.

Бу жараёнда кредит ёш оила учун ажратилган бўлса, солиқ имтиёзи эр-хотин ёки улардан бири 30 ёшга тўлгунига қадар, субсидия бўйича белгиланган шартлар инобатга олинмаган ҳолда қўлланилади. Агар 2023 йил 1 январдан кейин ипотека кредити ҳисобига олинган кўчмас мулк 36 ой ичида бошқа шахс номига ўтказилса, солиқ имтиёзи қўлланилган бутун давр учун солиқ тўлаш мажбурияти тикланган ҳолда бекор қилинади.

Президентнинг 2016 йил 22 ноябрдаги қарорига асосан, “2017–2020 йилларда шаҳарларда арзон кўп квартирали уйларни қуриш ва реконструкция қилиш дастури” доирасида квартира сотиб олиш учун олинган ипотека кредити ва ҳисобланган фоизларни қоплаш учун йўналтирилган жисмоний шахс (қарздор)ларнинг, шунингдек, уларнинг оила аъзолари *(эр-хотин, турмуш ўртоғи, ота-онаси ва болалари)*нинг солиққа тортиладиган иш ҳақи ва бошқа даромадларини солиқдан озод қилиш 2021 йил 1 январдан бекор қилинган.

Шундан келиб чиқиб, 2021 йил 1 январдан Президент қарорига асосан олинган уй-жой учун ажратилган ипотека кредитлари ва фоизларини қоплашга йўналтирилган даромадларга солиқ имтиёзи қўлланилмайди.

СОЛИҚЧИ – КЎМАКЧИ

Рағбат бюджет тушумининг ортишига хизмат қилмоқда

Кейинги йилларда солиқ тизимида амалга оширилаётган туб ислоҳотлар, айниқса, солиқ хизмати органлари ходимларининг “маҳаллабай” ва “корхонабай” ишлаш тизимига ўтказилгани ўзининг ижобий натижаларини кўрсатмоқда.



Баҳодир ФАЙЗИЕВ,
Бухоро вилояти солиқ бошқармаси матбуот хизмати раҳбари.

Айниқса, солиқ хизматида ҳалол ва шижоат билан фаолият олиб бораётган ходимларнинг меҳнати муносиб рағбатлантирилаётгани жойларда тадбиркорликни янада ривожлантириш, яширин иқтисодиётнинг олдини олиш, пировардида бюджет тушумларини оширишга хизмат қилмоқда.

Рақамлар билан айтадиган бўлсак, жорий йилнинг сентябрь ойида “Маҳаллаларда солиқ органлари фаолияти” ахборот тизимида баҳолаш натижаларига кўра, вилоятдаги 544 та маҳаллага бириктирилган 261 нафар солиқ инспекторининг самарадорлик кўрсаткичи (KPI) 86,3 баллни ташкил этди. 50 нафарининг самарадорлик кўрсаткичи 90 баллдан, 11 нафариники 95 баллдан, 8 нафари 97 баллдан юқори баҳоланди.

Қоракўл туманидаги “Арна” ва “Қуввача” маҳаллалари солиқ инспектори Шоҳрух Олтиев тизимдаги фаолиятини яқинда бошлаганига қарамай, кўпчиликка ўрнак бўлиб келмоқда. Унинг сентябрь ойи якунида иш самарадорлик кўрсаткичи 100 фоизга етди ва ўз ишининг чинакам пешқадами бўлди.

Шоҳрух Олтиевнинг кўмаги билан қисқа даврда “Арна” ва “Қуввача” маҳаллаларида 1 та бўш турган объект ишга туширилди, молиявий қийинчилик туфайли вақтинча фаолиятини тўхтатган 9 та тадбиркорлик субъектининг фаолияти тикланди. Ноқонуний ишлаётган 14 та норасмий тадбиркор давлат рўйхатидан ўтказилиб, ҳужжатсиз ишлаётган 43 нафар фуқаронинг фаолияти қонунийлаштирилди. Бундан ташқари, уйида норасмий даромад топиб келаётган 345 нафар фуқаро ўзини ўзи банд қилди.

Қувонарлиси, Солиқ қўмитаси раҳбарияти Шоҳрухнинг меҳнатларини муносиб эътироф этиб, унга ташаккурнома юборди. Унинг маҳаллаларда ўзига юклатилган вазифаларни масъулият билан бажариб, қисқа даврда эришган ютуқлари эътироф этилди.

БИЛИБ ҚЎЙИНГ!

ТАҲЛИЛЛАР СОЛИҚ ТЕКШИРУВЛАРИНИНГ ОЛДИНИ ОЛАДИ

Текширувдан олдинги таҳлил солиқ органи раҳбарининг буйруғисиз, “Автокамерал” ахборот тизими орқали солиқ тўловчининг иштирокисиз ўтказиладиган автоматлаштирилган таҳлил ҳисобланади.

Агар текширувдан олдинги таҳлил асосида солиқ тўловчилар фаолиятида тафовутлар ёки хатолар аниқланса, солиқ тўловчининг шахсий кабинетига солиқ ҳисоботига тегишли тузатишлар киритиш тўғрисида хабарномалар юборилади. Бугунги кунда солиқ органлари солиқ тўловчиларга хабарномалар юбормоқда.

Солиқ тўловчи тегишли тузатишлар киритиш тўғрисидаги хабарномани олган кундан эътиборан 10 кун муддатда солиқ органларига шахсий кабинети орқали аниқлаштирилган солиқ ҳисоботини ёки аниқланган тафовутларнинг асосномасини тақдим этиши шарт. Бундай мажбуриятнинг бажарилмаганлиги солиқ органи солиқ тўловчида камерал солиқ текширувини тайинлаш учун асос бўлади.

Агар ҳисоблаш формуласида ноаниқлик ва тушунмовчиликлар юзага келса, бириктирилган солиқ инспекторига ёки эслатма ойнасида келтирилган рақамлар билан боғланишингиз мумкин.

Маълумот учун. Текширувдан олдинги таҳлил тизимидаги фойдаланиладиган барча формулалар soliq.uz сайтининг “Фаолият” бўлими “Солиқ хавфларининг таҳлили” менюси “Текширувдан олдинги таҳлил” модулига жойлаштирилган.

Суҳроб ЗИЁДУЛЛАЕВ,
Солиқ қўмитаси бош инспектори.



Японияда ўтказилган “АҚЛЛИ ШАҲАРЛАР” конференциясида юртимиз экологик лойиҳалари тақдим этилди.



Ходимларнинг дам олиш ва таътиллардан фойдаланиш ҳуқуқлари бўйича ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР жорий этилади.



Корея Республикаси технологиялари асосида Ўзбекистонда УЗУМНИНГ ЯНГИ НАВЛАРИ етиштирилади.

НАТИЖА

Ҳар гўшада, ҳар инсоннинг қалбида бунёдкорлик ишқи бор

Президент ташаббуси билан ташкил этилган “маҳалла еттилиги” тизими асосида маҳаллага кўчган ислоҳотлар янги имкониятларга йўл очмоқда. Буни Урганч шаҳридаги “Нурли ҳаёт” маҳалласи мисолида кўришимиз мумкин.



Санжарбек ЁҚУБОВ,
Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Урганч шаҳар бўлими бошлиғи.

Маҳалла “драйвери” – тикувчилик, қўзиқоринчилик, новвойхона, тадбиркорликдан иборат. Жорий йил ушбу йўналишларда 436 нафар фуқаронинг бандлиги таъминланди. Ҳозирги кунда “еттилик”нинг саъй-ҳаракатлари натижасида яна 72 нафар фуқаро тадбиркорликни бошлаш арафасида турибди.

Юртимизда амалга оширилаётган инсонпарварлик сиёсати натижасида ҳар бир ҳудудда, ҳар бир маҳалла ва оилада, ҳатто ҳар бир шахснинг турмушида улкан ўзгаришлар кўзга ташланмоқда. “Обод хонадон”, “Обод кўча”, “Обод маҳалла” мезонлари асосида мамлакатимиз бўйлаб бошланган бунёдкорлик ишлари шаҳримиз ҳаёт тарзини тубдан ўзгартирди. Жойларда аҳоли учун зарур шарт-шароитлар яратишга бўлган эътибор ошди, ташаббуслар қўллаб-қувватланди.

Урганч шаҳар марказидан кесиб ўтувчи “Шовот” каналининг соҳил бўйи янгича қиёфа касб этиб, обод ва кўркам масканга айланди. Бу ерда каттаю кичик, ёшу қари – барча маданий ҳордиқ чиқармоқда. Қувонарлиси, урганчликлар ўз саломатликларини мустаҳкамлаш учун кенг имкониятлар яратилган. Барча қулайликлар муҳайё бўлган бундай сўлим гўшалар инсон қадрини юксалтириш, кекса авлод вакилларига кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликнинг амалдаги исботидир.

Сўнгги йилларда давлат раҳбари бошчилигида кекса авлодни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, уларни соғломлаштириш ишларини самарали ташкил этиш ва бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, ижтимоий ҳаётдаги фаолликларини ошириш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, 714 нафар нуроний бепул тиббий-кўрикдан ўтказилди, 673 нафар нуронийни даволаш чоралари кўрилди. 430 нафари санаторийларда соғломлаштирилди, 114 нафари реабилитация техник



воситалари билан таъминланди. 261 нафарига бошқа турдаги моддий ёрдамлар кўрсатилди. Бир нафар Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси ва 6 нафар якка-ёлғиз кексанинг уй-жойлари таъмирлаб берилди. 350 нафардан ортиқ нуронийлар учун вилоят бўйлаб саёҳатлар ташкил этилди.



Нуронийлар ҳаётий тажрибасидан унумли фойдаланиб ўтказилган маданий-маърифий тадбирлар натижасида 21 нафар профилактик ҳисобда турган ёшнинг соғлом турмуш тарзига қайтишига, 272 та оила ажралишининг олди олинишига ҳамда 93 та нотинч оилани яраштиришга эришилди.

Бугунги кунда нуронийлар бошчилигида “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида кенг қамровли ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари олиб борилаётир. Албатта, “маҳалла еттилиги” аъзолари ва бошқа мутасадди ташкилотлар масъуллари ҳамкорлигида халқ фаровонлигини таъминлаш борасида қатор вазифаларни амалга ошириш белгилаб олинган.

ПРОФИЛАКТИКА ҲУДУДИ

МАЙДА БЕЗОРИЛИК ЭНГ ОҒРИҚЛИ МУАММО БЎЛЯПТИ

Илгари Орол денгизининг жўшқин тўлқинларига тутаниб турган бу ерлар бугун чўлу биёбонга айланган. Сабаби, Орол бизни таплаб, уч юз километр олислаб кетди. Туз ва шўрхок ерларда экин-тикин қилиш имконсиз. Бироқ сўнгги йилларда Президент бошчилигида мўйноқликларнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволини яхшилаш бўйича катта ишлар амалга оширилмоқда.



Руфат САПАРБАЕВ,
Мўйноқ туманидаги “Таллиўзак” маҳалласи профилактика инспектори.

Аввало, тоза ичимлик сув келди. Табиат музейи, маданият саройи, янги амфитеатр қурилди. Истироҳат боғи, катта футбол стадиони, волейбол, баскетбол, футбол, велоспорт майдонлари, сузиш ҳавзаси ҳамда бир қатор ижтимоий ва маиший объектлар бунёд этилди. Мўйноқ аэропорти қайта таъмирланиб, ишга туширилди. Бир сўз билан айтганда, Мўйноқ буткул янгиланди. Одамларнинг келажакка бўлган ишончи ортди.

“Таллиўзак”да ҳам ҳаёт жонланди. Катталарнинг ишли бўлишига, ёшларнинг илм олиб, санъат, спорт ёки бирор касб-ҳунар билан шуғулланишлари учун зарур шароитлар яратилди. Таъмирталаб, коммунал хизматлари ишламай қолган 10 та икки қаватли уй тўлиқ янгиланиб, замонавий шароитларга эга бўлди. Битта кўп қаватли тураржой қурилди. Тўйхона, тамаддихона, кафе ва кўплаб савдо дўконлари иш бошлади.

Натижада жиноятчиликни келтириб чиқарувчи асосий омиллар барҳам топди. Икки йилдирки, “Таллиўзак” маҳалласи жиноятдан холи ҳудуд, “яшил” тоифада. Шу билан халқ осойишталиги, юрт тинчлиги йўлида ишлашдан, изланишдан тўхтаганимиз йўқ. Билим ва тажрибаларимизни янада оширган ҳолда “маҳалла еттилиги” иштирокида жиноятчиликни “маҳаллабай” жиловлаб, ҳар куни 10 та хонадонга кириб, уларнинг ижтимоий-маиший муаммоларини бартараф этиш чораларини кўряпмиз. Ваколатимизга тааллуқли бўлмаган масалалар сектор раҳбари кўмагида ҳал этилмоқда.

Бугун замонавий қурилмалар ёрдамида ҳар қандай жиноятчиликнинг олдини олиш мумкин. Шу боис ҳудудни тўлиқ назорат қилиб туриш учун жамоат жойлари, аҳоли гавжум масканлар, хусусан, тўйхона, мактаб, савдо дўконлари ҳамда чорраҳа, кириш-чиқиш йўлларига замонавий видеокузатув қурилмалари ўрнатиб, уларни хизмат хонамга интеграция қилдим. Аксарият жиноятлар кечки вақтда содир бўлишини инобатга олиб, мунтазам тунги рейдлар ўтказяпмиз. Бемақсад юрганларнинг шахсини хизмат планшети ёрдамида жойида аниқлаб, улар билан тушунтириш ишларини олиб боряпмиз. Бу жараёнда вояга етмаганларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўқувчи-ёшлар ўртасида кузатиладиган майда безорилик — ҳамкасбларимнинг энг оғриқли масалаларидан бири. Чунки биргина ҳуқуқбузарлик ҳам “яшил” тоифадаги маҳаллани “сариқ”қа тушириб қўйиши мумкин. Шу боис “мактаб – ота-она – маҳалла” ҳамкорлигида мактаб ўқувчиларининг таълим-тарбияси, дарсда мунтазам иштирокини таъминлаш ҳамда бўш вақтларини мазмунли ўтказишга жиддий эътибор қаратяпмиз. Дарсдан кейин ўқувчиларнинг қизиқишларидан келиб чиқиб, касб-ҳунар ва ихтисослаштирилган мактаблардаги спорт залларида турли спорт машғулотлари олиб борилмоқда.

Қилинган ва келгуси режаларимиз ҳақида ҳар ой якуни бўйича фуқаролар йиғинида ҳисобот беряпмиз. Қувонарлиси, чет элга ишлашга кетган фуқаролар қайтиб келиб, шу ерда ишли бўлмоқда.

Ота-онанинг фарзанд олдидаги ёки аксинча, фарзандларнинг ота-она олдидаги бурчи бўлгани каби, биз – профилактика инспекторларининг элимиз олдида вазифамиз бор. У ҳам бўлса, тинчлик-осойишталикни таъминлаш, маҳаллаларни жиноятчиликдан холи ҳудудга айлантиришдир.

МОҲИЯТ

Оворагарчиликларнинг олди олинади

Мамлакатда озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни ижро этиш, пробация бўлинмалари назорати остидаги шахсларнинг хулқ-атвори устидан таъсирчан назоратни амалга ошириш бўйича янги тизим яратилган. Бу борада “Пробация тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни қабул қилинди.

Мақсадбек ҚЎЧҚОРОВ.

Бироқ маъмурий назорат ва пробация назоратидаги шахслар ўртасида кенг қамровли профилактика чора-тадбирлари амалга оширилишига қарамасдан, бундай тоифадаги кишилар содир этаётган ҳуқуқбузарликлар сони ортиб боряпти. Бу эса мазкур йўналишдаги ҳуқуқий таъсир чораларининг қайта кўриб чиқилишини талаб этмоқда.

Таҳлилларга қарайдиган бўлсак, 2023 йилда маъмурий назорат қонуни таъсири остига тушувчи 5 529 нафар шахсга нисбатан маъмурий назорат ўрнатилган. 2024 йилнинг 9 ойида улар 5 689 нафарни ташкил этган ва 160 нафарга ортган. Бундан ташқари, 2023 йилда 83 763 нафар шахс ички ишлар органларининг пробация назоратида турган бўлса, 2024 йилнинг 9 ойида бу кўрсаткич 86 226 нафарни ташкил этган, яъни жорий йилда бундай шахслар 2 463 нафарга кўпайган. Айнан шу тоифадаги шахслар судлар белгилаган тақиқ (чеклов)ларга бир неча бор риоя қилмагани учун 2023 йилда 717 нафар, 2024 йилнинг 9 ойида 637 нафар шахс Жиноят кодексининг 226-моддаси *(Маъмурий назорат қоидаларини бузиш)* бўйича жавобгарликка тортилган.

Бугунги кунда суд белгилаган чекловлар ва мажбуриятларга риоя этмаётган пробация назоратидаги шахслар ҳуқуқбузарликлар содир этаётгани туфайли, шу жумладан, оғир ёки ўта оғир жиноятларнинг олдини олиш бўйича тезкор



ҳамда таъсирчан чоралар кўрилишини таъминлаш мақсадида **ички ишлар органлари пробация бўлинмалари ходимларига қўшимча ваколатларни бериш зарурати юзага келмоқда.** Шу боис Ички ишлар вазирлиги назорат остида турган махсус тоифа шахслар ўртасида қонун устуворлигини таъминлаш, уларда қонунга итоаткор хулқ-атворни, инсонга, меҳнатга, ижтимоий турмуш қоидалари ва анъаналарига ҳурмат муносабатини шакллантириш мақсадида қонун лойиҳаси ишлаб чиқди. Унга кўра, **Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 206-моддаси санкция қисмига амалда бўлган жарима жазосидан ташқари, маъмурий қамоқ жазоси ҳам киритилмоқда.**

Пробация бўлинмалари ходимларининг назорати остидаги шахс ҳуқуқбузарлик содир этган тақдирда унга нисбатан маъмурий баённома тузиш учун уни ҳудудийлик жиҳатдан яқин орада жойлашган таянч пункти профилактика инспекторининг олдига олиб бориб, маъмурий баённома расмийлаштириш керак. Бу **пробация ходимининг иш самарадорлигига салбий таъсир кўрсатиб, ортиқча вақт сарфланишига сабаб бўлмоқда.** Шу боис янги қонун билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 248-моддаси тўртинчи қисмига қўшимча ва ўзгартириш киритиш орқали ички ишлар органларининг 185^2 ва 187-моддалари бўйича **пробация назоратидаги шахсларга нисбатан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги баённомани тузиш ваколатини пробация хизматининг катта инспектори ва инспекторига бериш нормаси белгилаб қўйилмоқда.**

Қонуннинг қабул қилиниши махсус тоифадаги шахслар содир этган ҳуқуқбузарлик ҳолатлари бўйича аниқланган жойнинг ўзида таъсир чораларини қўллашга, ушбу тоифа шахслар билан олиб борилаётган ишлар самарадорлигининг ошишига ҳамда **фуқароларнинг беҳуда оворагарчиликларининг олди олинишига хизмат қилади.**

Олий Мажлис Сенатининг эллик тўққизинчи ялпи мажлисида сенаторлар юқоридаги ҳолатларни инобатга олган ҳолда, “Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 206 ва 248-моддаларига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида”ги қонунни кўриб чиқиб, маъқуллашди.



Қонунчиликка электрон маълумотлар ҳамда РАҚАМЛИ ДАЛИЛЛАР тушунчаси киритилди.



Табиатга зарар келтирганларга 3 йилдан 5 йилгача озодликни чеклаш ёхуд озодликдан маҳрум қилиш ЖАЗОСИ БЕЛГИЛАНАДИ.



Пробация хизмати инспекторларига ўз хизмат ваколати доирасида МАЪМУРИЙ БАЁННОМАни тузишига имкон берилади.

ЭЪТИБОР

ОҒИР ИЖТИМОИЙ АҲВОЛДАН ЧИҚАРИЛДИ



Бухоро туманидаги “Подшоҳи” маҳалласида умргузаронлик қилиб келаётган Шаҳодат опа Эргашованинг кўни-кўшнилари тиниб-тинчимас, чарчоқ билмас аёл сифатида танийди. Бир неча йил олдин тоғдек турмуш ўртоғи чет элда вафот этгач, бутун бошли рўзғор юки, икки ўғилни оёққа қўйиш ёлғиз опанинг зиммасида қолди.

Аёл умри давомида ер чопди, далада ишлади, меҳнатдан қочмади. Яқинда маҳаллага моддий ёрдам сўраб мурожаат қилган Шаҳодат опага ижтимоий ходим Умида Жўраева йўл-йўриқ кўрсатиб, "маҳалла еттилиги" билан биргаликда унга бир нечта хизматлар кўрсатди. Жумладан, субсидия асосида бир сотихли иссиқхона қуриб берилди. Келинига субсидия асосида замонавий тикув машинаси тақдим этилди.

Ҳозирда мўъжазгина иссиқхонасида помидор, бодринг, булғор қалампири, мавсумий кўкатлар экиб, маҳалла аҳлига сотиш билан шуғулланаётган қаҳрамонимиз даромадга кириб, оғир ижтимоий вазиятдан чиқишга эришди.

Ижтимоий ҳимоя Миллий агентлиги Бухоро вилояти бошқармаси матбуот хизмати.

ЯНГИЛИК

ХАРАЖАТЛАР ҚИСҚАРИБ, ИМТИЁЗЛАР ОРТМОҚДА

Президент имзолаган қонун билан ижтимоий хизматлар ва ёрдам кўрсатиш тизими такомиллаштирилади ҳамда уларнинг сифати оширилади. Унга кўра, “Давлат божи тўғрисида”ги қонунга ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ёлғиз кексалар, ёлғиз яшовчи кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар йўқолган ёхуд яроқсиз ҳолга келган ID-картаси ёки биометрик паспортини алмаштиришда давлат божини тўлашдан озод қилинишини назарда тутувчи ўзгартириш киритилмоқда.

Шунингдек, “Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари томонидан ижтимоий ҳимояга муҳтож айрим тоифадаги шахсларни вақтинча рўйхатга олишда давлат божи ундирилмайди.

Бундан ташқари, етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болалар давлат томонидан иккиламчи бозордан олинган уй-жойни уларнинг номига расмийлаштириш учун нотариал ҳаракатларни амалга оширишда давлат божини тўлашдан озод қилиниши белгиланмоқда.

Шу билан бирга, ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ёлғиз кексаларга, ёлғиз яшовчи кексаларга ва ногиронлиги бўлган шахсларга ҳомийлик қилиш учун йўналтирилган маблағлар солиқ базасини аниқлашда чегириб ташланадиган харажатлар жумласига киритилиши назарда тутилмоқда.

ТАҲЛИЛ

Даромад ортганидан хориждан қайтганларнинг кўнгли хотиржам

Диёра Абдуллаева “Бўзачи” маҳалла фуқаролар йиғини ходимларининг мулоқоти натижасида чет элдан қайтиб келди. Унга ўз тадбиркорлик фаолиятини бошлаши учун субсидия асосида тикув машинаси олиб берилди. Қаҳрамонимиз чеварчилик билан бир қаторда гўзаллик салони ҳамда хотин-қизлар учун тақинчоқлар ясашни йўлга қўйди. Тиришқоқлиги ва интилувчанлиги билан 5 нафар қизни иш билан таъминлади. Ҳозирда чет элда ишлаб топган пулидан кўпроқ даромад кўришни бошлаган. Ўз яқинлари, оиласи даврасида эканидан хурсанд.

Ғанижон ҚУВВАТОВ, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Қоровулбозор тумани бўлими бошлиғи.

Аҳмаджон Ортиқовнинг хориждан қайтганига бир неча ой бўлди. Миграциядан келгач, ҳоким ёрдамчиси унинг муаммоларини ўрганди ҳамда фуқаронинг истаги билан имтиёзли кредит асосида 3 бош йирик шохли қорамол олиб берилди. Бундан ташқари, хонадонида 20 та товуқ ҳамда 20 та ўрдак парваришлаяпти. Томорқасида рўзғор учун керакли барча полиз маҳсулотларини етиштирмоқда.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Ҳар куни оиласи бағрига қайтаётган, юрт ривожи учун ўз ҳиссасини қўшиш истагидаги фуқаролар сони ортиб бормоқда. Умид билан ортига қайтаётганларга муносиб шароит яратиб бериш, бандлигини таъминлаш борасида маҳалла асосий вазифани бажаряпти.

Президентнинг “Ёшларга ер ажратиш орқали уларнинг даромадини ошириш ва бандлигини таъминлаш, шунингдек, янги ер майдонларини ўзлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан, Қоровулбозор туманидаги ишсиз, кам даромадли, миграциядан қайтган ёшларга сувга қулай, унумдор ҳамда аҳолига яқин жойлардан ер майдонлари ажратиб берилмоқда. Хусусан, “Бўзачи” ва “Бўстон” маҳалласидаги 60 нафар ёш имкониятидан келиб чиқиб, ер майдонларига эга бўлди.

Қишлоққа саноатни олиб кириш тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ҳамда аҳоли бандлигини таъминлашга хизмат қилади. Шу мақсадда туманнинг “Навбаҳор” маҳалласида жорий йилнинг ўзида 2 та мебель цехи ва табиий тош қумларидан ички ва ташқи деворлар учун безак воситалари ишлаб чиқариш корхоналари фаолият бошлаган эди. Айни вақтда уларнинг сони яна биттага кўпайди. Ёш тадбиркор Равшан Иброҳимов ғишт қуйиш цехини ишга туширди. Лойиҳа қиймати 50 миллион сўм бўлган ушбу мўъжазгина корхонада 3 нафар ходим меҳнат қилмоқда. Уларга 3-4 миллон сўм миқдорида маош тўланяпти. Тадбиркор келажакда иш ҳажмини янада кенгайтиришни мақсад қилган.



Сўнгги йилларда туманимиз обод ва гўзал масканга айланиб бормоқда. Барча жабҳаларда бўлгани каби, охирги йилларда йўлсозлик соҳасида амалга ошириб келинаётган ишлар кўлами фахрланса арзигулик.

Хабарингиз бор, жорий йилнинг биринчи мавсум “Ташаббусли бюджет” дастури доирасида йўлларни таъмирлаш бўйича овоз бериш жараёнлари олиб борилди. Унда “Тинчлик” маҳалласи фуқаролари ҳам фаол иштирок этиб, ғолибликни қўлга киритишди. Шу сабабли мазкур маҳалладаги Жамбул ва Бекзод кўчаларининг 700 метр қисми асфальтлаштирилмоқда. Бу каби ишларнинг барчаси халқимиз турмуш даражасини оширишга хизмат қилмоқда.



Бундан ташқари, туманда электр таъминотини яхшилаш мақсадида 33 та темир-бетон таянчлар ўрнатилди. Осиё инфратузилма инвестициялари банки иштирокида “Бухоро вилоятининг сув таъминоти ва канализация тизимларини ривожлантириш ва модернизация қилиш” лойиҳаси бўйича 1,610 млн. АҚШ доллари ҳисобига 2 та сув тарқатиш иншоотини реконструкция қилиш, 1 та сув тарқатиш иншоотини қуриш ҳамда 9,0 км. ичимлик сув тармоқларини бунёд этиш ва таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда. 5,4 км. туман ички автомобиль йўлларини асфальтлаштириш ва 6,4 км. кўчаларни шағаллаштириш қизғин жараёнда.

Давлатимиз раҳбарининг 2024 йил 25 июндаги “Маҳаллаларни ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва қиёфасини тубдан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига асосан, тажриба тариқасида, республикамиз бўйича 208 та маҳалла фуқаролар йиғинида “Маҳалла сервис компанияси”ни жорий этиш белгиланган эди. Ушбу қарор ижросини таъминлаш мақсадида тадбиркор Шаҳло Ҳакимова ташкил этган “Бўзачи маҳалла сервис компанияси” эндиликда аҳолига 20 дан ортиқ хизмат турларини кўрсатади. Бу эса аҳолининг ҳам вақтини, ҳам нақдини тежашга ёрдам беради. У ерда 8 нафар маҳалла аҳолисининг бандлиги таъминланди. Бундан ташқари, пуллик хизмат кўрсатишдан тушган даромаднинг 70 фоизи ишчининг ўзига устама сифатида берилади. Компания фаолиятини самарали ташкил этиши учун Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси туман бўлими зарур техник восита ва ускуналар олиб бермоқда.

Қай бир соҳани олмайлик, барчасида жараён қизғин. Ҳамма кўпроқ натижага эришиш, қилаётган меҳнати билан жамиятга муносиб ҳисса қўшиш ҳаракатида. Шундай шароитда маҳалла ходимларининг ҳам муносиб ҳиссаси борлиги бизни қувонтиради.

ИЖТИМОИЙ ХОДИМ

Ижтимоий мослашув учун, аввал, муносиб шароит зарур

Шаҳобиддин Ҳакимов бахтсиз ҳодиса туфайли бир оёғидан ажралганди. У кўп йиллар давомида эски турдаги протездан фойдаланган. Фуқарога замонавий протез тақдим этилгандан кейин ҳаракатлари тезлашиб, ҳаётга интилиши янада кучайди. Аслида муҳтож инсонни шу турдаги замонавий восита билан таъминлаш нафақат жисмоний, балки психологик жиҳатдан далда бўлади.



Муҳиддин ТОҒАЕВ, Ижтимоий ҳимоя Миллий агентлиги Сурхондарё вилояти бошқармаси бошлиғи.

Қумқўрғон туманидаги “Сурхон соҳили” маҳалласида яшовчи Насиба Ҳусанованинг ҳаракати нотўғри муолажа сабаб, чекланиб қолганди. Қайта оёққа туриши учун унга тизимли хизматлар кўрсатилди. Янги олган протези орқали ҳаёти тубдан ўзгарди. Энди у дадил ҳаракат қилиб, ҳаётга бошқача кўз билан қарай бошлади. Йўлга қўйилган янги тизим орқали яшаш шароити яхшиланаётган Насиба эндиликда ҳар икки йилда бир маротаба модулли сон протези олиши мумкин.

Қайд этиш жоизки, ҳозирда ушбу тизим республиканинг барча ҳудудларида ишга туширилган. Ваучер фуқарога ногиронлик белгиланаётган вақтда протез-ортопедия мосламаси ва реабилитация қилишнинг техник воситасига муҳтожлик билан бирга шакллантирилади. Муҳтожликни аниқлаш, буюртма беришда кўмаклашишни ҳудудлардаги “Инсон” маркази ёки ижтимоий ходимлар амалга оширмоқда. Бу ногиронлиги бўлган шахслар турмушини яхшилаш ва иш фаолиятини давом эттиришида қўл келаётир.

Янги тизим туфайли протез-ортопедик воситалар билан таъминлаш муддати 17 кунга *(67 кун ўрнига 50 кунгача, шундан 45 кун мослама ишлаб чиқарилиши учун)* қисқарди. Реабилитация қилишнинг техник воситаларини бериш эса 41 кунга *(52 кун ўрнига 11 кунгача, шундан 5 кун воситани етказиб бериш учун)* қисқарди.

Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ижтимоий мослашувини таъминлаш, уларнинг жамиятда ўз ўрнига эга бўлиши ҳамда доимий даромад топишига эришмоқчи эканмиз, аввало, улар учун муносиб турмуш шароитини ҳозирлашимиз зарур. Иш берувчилар учун субсидиялар ажратиш, уларни рағбатлантириш, солиқ имтиёзлари бериш муҳим саналади. Қолаверса, имконияти чекланганларга иш жойида муносиб муҳит яратиш, махсус йўлакчалар ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ишга жойлаштириш хизматларини ривожлантириш эса давр талабига айланмоқда.

Вилоятда жами ногиронлиги бўлган 83 минг 841 нафар шахсларнинг 37 минг 553 нафари меҳнатга лаёқатли фуқаролардир. Уларнинг бандлигини таъминлаш, жамиятда ўз ўрнига эга бўлиши учун қатор чора-тадбирлар ишлаб чиқилган. Жорий йил якунига қадар 5 минг 112 нафар имконияти чекланган шахсни ишга жойлаштириш мақсад қилинган. Жумладан, вилоятдаги мавжуд корхона ва ташкилотларга жойлаштириш ҳисобига 2 минг 469 нафар ногирон фуқаронинг бандлиги таъминланса, 296 нафарини деҳқончиликка жалб этиш назарда тутилган. 225 нафар имконияти чекланган фуқаронинг ҳунармандчиликка иштиёқи баланд. 446 нафар кишига имтиёзли кредит ва субсидия ажратиш эвазига даромад манбаига эга бўлишида кўмак берилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, бугун ногирон фуқароларнинг ҳаётга қараши ўзгариб, чекланган имкониятига қарамасдан жамиятнинг бошқа аъзолари қаторида фаол меҳнатга тутинган. Корхона ва ташкилотларда меҳнат қилиб, турмушини обод этаётир. Бу жараёнда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ташкил этилган ижтимоий тузилма ва унинг жойлардаги вакиллари муносиб ҳисса қўшиб, фуқароларнинг, айниқса, эҳтиёжманд, ногиронлиги мавжуд инсонларнинг ижтимоий мослашувида бор куч ва меҳрини аямасдан фаолият олиб бормоқда. Амалга оширилган ишлар билан чекланиб қолмасдан, келгусида ўз олдимизга улкан режаларни қўйиб, фуқароларни камбағалликдан фаровонлик сари етаклаймиз, албатта.



Футбол: янгиланган ФИФА рейтингда Ўзбекистон миллий терма жамоаси икки поғона юқорилаб, 58-ўринни эгаллади.



Шахмат: ҳамюртимиз ГУЛРУҲБЕГИМ ТОҲИРЖОНОВА АҚШ вице-чемпиони бўлди.



РАВШАН ХЎЖАЕВ бокс бўйича Озарбайжон эркаклар терма жамоасининг янги бош мураббийи вазифасига тайинланди.

ЖАРАЁН

Дахлдорлик туйғуси, масъулият ҳиссини унутишга ҳаққимиз йўқ

Хонободнинг ўзига хос табиати, тоза ҳавоси ташриф буюрган ҳар бир меҳмоннинг диққатини ўзига жалб қилиши аниқ. Ҳудудимизда жойлашган “Хонобод” сиҳатгоҳи, унинг ҳовлисига ўтқазилган узоқ йиллик арча дарахтлари шаҳримиз кўркига янада кўрк бағишлаб турибди. Бу гўшада юқори нафас йўллари касалликларидан азият чекадиган беморлар даволаниб, шифо топиб кетишмоқда. Айниқса, аллергик хасталик безовта қилаётган кишилар тонг саҳардан арчалар оралаб сайр қилса, анча енгил тортади.

Азизбек ТЕШАБОЕВ,
Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Хонобод шаҳар бўлими бошлиғи.

Атроф-муҳит ҳолатини янада яхшилаш, “Яшил макон” лойиҳасини амалга ошириш мақсадида ҳар йили баҳор ва куз мавсумида дарахт кўчатлари ўтқазилмоқда. Аввалига фақат раҳбар ходимларнинг ташаббуси билан амалга оширилган бу иш эндиликда аҳолининг доимий юмушига айланган. Қувонарлиси, буни ҳамма ўз хоҳиши билан амалга оширмоқда. Хонадони ва эшигининг олдига экилган мева кўчатларидан мўл-кўл ҳосил олишни бошлаганлар анчагина.

Хонобод шаҳрини туризмга ихтисослаштириш бўйича ишлар кўлами тобора кенгайиб бормоқда. Кўчаларга ўрнатилган замонавий услубдаги ёритгичлар ўзгача кўриниш касб этган. Сўнгги дизайндаги ўриндиқлар, баланд-баланд бинолар кўзни қувнатади. Шаҳримизга олиб келинган 3 та электроскутер аҳоли ва сайёҳларга хизмат кўрсатиб, янада қулайлик яратмоқда.

Туризмнинг ривожланиши оилавий тадбиркорлар ва ишлаб чиқарувчиларнинг қўшимча даромад топишига замин яратмоқда. Савдо ҳамжи аввалги йилларга нисбатан 7-8 баробарга ошган. Кўрсаткичнинг бу тарзда ортиб бораётгани янги иш бошлаш истагида бўлган фуқароларни руҳлантиряпти. Натижада бизнес соҳасида ўзини синаб, катта муваффақиятга эришаётганлар сони ортмоқда. Айни вақтда туризм соҳасида қўшимча тарзда яна 124 та оиланинг бандлиги таъминланган. Шаҳримизда 3 минг 772 та сиғимга эга дам олиш масканлари, сиҳатгоҳлар ҳамда 124 та уй меҳмонхонлари мавжуд. Хизмат кўрсатиш сифати юқори даражада ташкил этилган.



Қирғизистоннинг Жалолобод вилояти билан боғлаб турувчи “Хонобод-Жалолобод” чегара божхона постининг очилиши, темир йўл вокзали фаолиятининг йўлга қўйилиши ички ва ташқи туризмнинг ривожланишига янада кенг йўл очиб берди. Халқимиз жуда меҳмондўст бўлгани боис ҳар бир сайёҳни қучоқ очиб кутиб олишади. Имкони бўлса, уйига олиб кириб, олдига дастурхон ёзади. Ширинсуханлиги билан кўнглига йўл топишга ҳаракат қилади.

Аҳоли бандлигини таъминлаш, уларнинг фаровон турмуш кечириши куннинг долзарб масаласига айланган, десак муболаға бўлмайди. Шу мақсадда ҳудудимиздаги маҳаллаларни айланиб, одамларнинг қизиқишини ўрганяпмиз. Имкониятидан келиб чиқиб, бирор соҳага йўналтириляпти. Хусусан, “Кампирровот” маҳалласида аҳоли даромадини ошириш мақсадида 24 та хонадонда форель балиқларини етиштириш йўлга қўйилди.



Шу кунга қадар 61 нафар фуқаронинг бандлиги таъминланиб, муносиб иш ўринларига жойлаштирилди. Шундан 36 нафари “Меҳмонобод” маҳалласидаги ишлаб чиқариш корхонасига, 25 нафар фуқаро шаҳар ҳудудидаги тикувчилик цехига қабул қилинди.

Фаолиятимиз давомида эҳтиёжманд оилаларни қўллаб-қувватлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Хусусан, Хонобод шаҳрида истиқомат қилаётган учта кам таъминланган оиланинг хонадони тўлиқ таъмирдан чиқарилди. Бундан ташқари, битта оғир шароитда яшаётган оилага ҳашар йўли билан уй-жой қуриб берилди.

Хонобод шаҳар ҳудудида истиқомат қилаётган 65 нафар якка-ёлғиз, ногиронлиги бўлган ва кам таъминланган оила вакиллари даволаниши учун шифохонага ётқизилди. 70 нафар фуқарога Туман тиббиёт бирлашмаси бепул дори-дармонлар етказиб бермоқда. Шу билан бирга, 5 нафар боқувчисини йўқотган ва якка-ёлғиз яшовчи фуқарога субсидия асосида тикув машиналари берилиб, бандлиги таъминланди.

Агар раҳбар ўзини ҳудудидаги ҳар бир инсон тақдирига дахлдор деб билса, муаммолар долзарблигини йўқотади. Барчаси изма-из, тизимли равишда ечилиб бораверади. Шундай экан, зиммамиздаги бу масъулиятни бир дақиқа бўлсин унутишга ҳаққимиз йўқ.

САЛОМАТЛИК

ЭРТА АНИҚЛАНСА, ДАВОЛАШ МУМКИН

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотига кўра, дунё бўйича ҳар йили 2,3 миллиондан ортиқ аёлга кўкрак бези саратони ташхиси қўйилади. Шунга қарамай, ривожланган мамлакатларда 40 ёшдан ошган аёллар ўртасида бу касалликдан ўлим кўрсаткичини 90 фоизга камайтиришга эришилмоқда.



Аммо баъзи кам даромадли давлатларда ушбу хасталикдан омон қолиш даражаси 50 фоиз ва ундан кам. Ваҳоланки, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти 2040 йилга келиб, кўкрак бези саратонидан 2,5 миллион нафар аёлнинг ҳаётини сақлаб қолиш ташаббусини илгари сурган.

Юртимизда ушбу йўналишда тегишли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Президентимизнинг “Аҳолига гематология ва онкология хизматларини кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги қарорида мамлакатимиз бўйлаб 45-65 ёшдаги аёллар кўкрак бези саратони скринингидан ўтказилиши белгиланган.

Ўзбекистонда ушбу ёш тоифасидаги қарийб 3 миллион аёл истиқомат қилади. Бу хасталикнинг тарқалиш кўрсаткичи ҳар 100 минг нафар аҳолига нисбатан 12 нафарни ташкил этади.

Шуни алоҳида таъкидлашни истардикки, кўкрак бези саратонининг эрта — 1-2 босқичларида 10 тадан 9 та ҳолатда хасталикдан халос бўлиш имкони мавжуд. Шу боис маммографик текширувлар қамровини кенгайтириш бўйича “Ўзбекистон – 2030” стратегиясини “Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастурининг 17-мақсадида ҳам алоҳида чора-тадбирлар белгиланган.

Бунга кўра, хасталикни эрта аниқлаш тизими жорий қилиниб, туман тиббиёт бирлашмалари 14 та маммограф ускунаси билан жиҳозланади ва улар республика ягона ридинг тизимига интеграция қилинади.

Лола АЛИМХЎЖАЕВА,
Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази бўлим мудири.

МАНЗАРА

Тажрибали тадбиркор аёллар сафи ортяпти

Гавҳар Исканова оила аъзолари билан бирга ташкил этган 3,5 гектарли боғида 2018 йилдан буён анор ва беҳи етиштириш билан шуғулланиб келади. Бу йилги мўл-кўл ҳосил аллақачон йиғиб олинган. Улар махсус қутиларга жойланиб, салқин ва қоронғу хонада сақланади. Фермернинг маҳсулотлари анча харидоргир. Қўшни давлатларга экспорт қилувчилардан ортиб қолгани бозорга олиб чиқилади. Бундан ташқари, махсус ускуна ёрдамида шарбат тайёрлаш йўлга қўйилган. Кони фойда бўлган бу ичимликни сўраб келувчилар жуда кўп. Гавҳар она ўтган йилги даромадидан янги автомобиль харид қилди. Бу йилги ҳосилнинг ярмини 140 миллион сўмга пуллади. Маҳалламизда тинимсиз меҳнат қилиб, ўз мақсадларига эришаётган бу онлага ҳавас қиладиганлар талайгина.

Роҳатой ХАЛИЛБЕКОВА,
Мирзаобод туманидаги “Деҳқонобод” маҳалласи хотин-қизлар фаоли.

Ҳудудимиздаги деярли ҳар бир хонадон томорқасига анор дарахти экилган. Аввалари кўпчилик уни парваришлаш бўйича етарлича тажрибага эга бўлмагани учун уч-тўрт марта совуққа олдириб қўйишди. Бора-бора изланиб, бир-биридан кўриб, кеч куз дарахтлар атрофини похол билан ўраб, устига тупроқ тортиб кўмадиган бўлишди. Эрта баҳор ортиқча навдалари буталади. Кўпроқ табиий ўғитлар билан озиқлантириш керак. Энг муҳими, эътибор ва меҳр билан парваришлаш зарур. Бу усул ўз натижасини кўрсатди. Йилдан-йилга ҳосилдорлик ошиб, аҳоли даромади кўпаймоқда.

Маҳалламизда боғдорчиликдан ташқари, деҳқончилик ва чорвачилик йўналишлари ҳам ривожланган. Айни вақтда томорқаларда шолғом, турп, саримсоқпиёз каби полиз экинлари пишиб етилган. Одамлар олдин ўт босиб, қаровсиз ётган ерларнинг ҳар қаричидан унумли фойдаланиш кераклигини тушуниб боряпти.

Хотин-қизлар орасида тикувчиликка қизиқадиганлар анчагина. Иккита-учта хонадонда цехлар ташкил этилган. Хусусан, Дилором Турсунқулова касаначилик асосида тикувчилик корхонасини очган. Қайнонаси ва яна 3 нафар ишчиси билан бирга талабдан келиб чиқиб, мавсумий кийим-кечаклар тикишяпти. Фаолиятини янада кенгайтириш, товар айланмасини ошириш мақсадида маҳалла тавсияси билан 20 миллион сўм миқдорида имтиёзли кредит ажратилди. Маблағдан унумли фойдаланиб, буюртмаларини янада оширишга эришди.



Маҳаллада кўпроқ аёлларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга, соғлом турмуш тарзига йўналтиришга ҳаракат қиляпман.

Норой Шомирова шу йўналишда 25 нафар аёлнинг бандлигини таъминлаган. Шартнома асосида олиб келинган яримтайёр маҳсулотларни замонавий ускуналарда текис ва тоза қилиб тикиб беришади. Ходимларига иш ҳажмидан келиб чиқиб маош тўлайди.

Жорий йилда 60 нафар хотин-қизга 5 миллиондан 33 миллион сўмгача имтиёзли кредит олиши учун тавсиянома берилди. Улар орасида турли соҳаларда янги иш бошлаётган ҳамда фаолиятини кенгайтиришни режалаштирганлар бор. Айниқса, чорвачилик қилиш истагидаги аёллар сони йилдан-йилга ортяпти. Уйда ўтирган ҳолда оила ва фарзандларига қараш баробарида даромад топишнинг қулайлиги уларга маъқул келмоқда.

Йил бошида “Аёллар дафтари”га киритилган ишсизлар сони 54 нафарни ташкил этган бўлса, бугунга келиб уларнинг барчаси ҳар хил йўналишларда меҳнат қилмоқда. 15 нафар опа-синглимиз Мономарказда касб-ҳунарга ўқитилди. 1 нафар аёлга субсидия асосида тикув машинаси берилди. Ҳозир уйида қуроқчилик билан шуғулланяпти. Секин-аста кўрпа-тўшаклар тикишни йўлга қўймоқчи.

Маҳаллада кўпроқ аёлларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга, соғлом турмуш тарзига йўналтиришга ҳаракат қиляпман. Шу мақсадда спортнинг шахмат, шашка, волейбол, баскетбол ва теннис турлари бўйича мунтазам равишда мусобақалар ташкил этилмоқда. Йил якунига қадар велопойга ўтказишни режалаштирганмиз. Мактабда дарс берадиган жисмоний тарбия мураббийлари бу борада бизга катта ёрдам беряпти.

Ёши улуғ онахонларимиз ҳар куни эрталабдан пиёда юришни одат тусига айлантирган. Бу қон айланиш тизимини фаоллаштириб, танани чиниқтиргани учун аёлларимиз анча тетик. Кексалар ҳам ҳовлида нимадир юмуш билан банд. “Дам олинг, уриниб қоласиз”, десак, унамайди. Бу ҳолат бир жиҳатдан бизни хурсанд қилади.

Хотин-қизлар фаоли сифатида оилавий ажралишларнинг олдини олиш, миллий қадриятларни тарғиб қилишга асосий эътиборимни қаратганман. Миллий урф-одатларимиз ва анъаналаримизни келажак авлодга етказиб бериш учун астойдил ҳаракат қиляпмиз. Хонадонларга кирганда, тадбирлар ташкиллаштирганда аҳолининг кайфиятини кўтаришга, олдига катта мақсадлар қўйишга руҳлантирамиз. Эрта никоҳ ва эрта туғуруқларни олдини олиш бўйича оилавий поликлиника шифокорлари билан ҳамкорликда суҳбатлар ўтказяпмиз.

Ҳудудимизда бўш турган бир бино бор. Пахта мавсуми ниҳоясига етгач, ўша ерда тикувчилик ва пазандачилик билан шуғулланиш учун шароит яратмоқчимиз. Хоҳловчилар касб-ҳунар ўрганиши мумкин. Ишсиз юрган опа-сингилларимизнинг бандлигини таъминлаймиз.

Хотин-қизларнинг иши ҳеч тугамайди. Маҳаллага бошқа масалада келган аёл, аввало, бизни олдимизга маслаҳат сўраб келади. Ҳар бирига кўрсатилаётган ёрдамдан кўнглимиз тоғдек кўтарилади. Ўзимизни мушкулимиз осон бўлгандек севинамиз.

Mahalla

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газетаси

Бош муҳаррир:
Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ
Дизайнер:
Абдулазиз АҲМЕДОВ
Шерзод МАМАНОВ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2024 йил 7 майда №271590 рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «MAHALLA DAVRIY NASHRLARI» МЧЖ

Таҳририят манзили:
100192, Тошкент шаҳри Мустақиллик шоҳ кўчаси 59-уй.
Телефонлар:
71 233-39-89, 71 233-10-92.
Нашр кўрсаткичи: 148

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили:
Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.

Ўлчами — 380x587, 4 б.т.
9 070 нусхада чоп этилди.
Буюртма №: Г-1020

Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди ва офсет усулида босилди.